БУГУНГИ СОНДА:

Террорчининг Ватани, миллати ва дини бўлмайди 3

Ҳиндистон ўрмонларидан маймунлар билан яшаган қизча топилди 6

Бирлик ва миллий тотувликнинг ёрқин самаралари 8

ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 15 (20019)
2017 йил 13 апрел.

Газета 1929 йил февраль ойидан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

11 апрел куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон беш нафар янги элчилардан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмонга Афғонистон Ислом Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Гул Залмай Юнусий, Қувайт давлати элчиси Нассар Абдулраҳмон Алмутаирий, Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси элчиси Локу Кетагодаге Жаянатҳ Чандрасири Перера, Мали Республикаси элчиси Тиефинг Конате ва Кот-д,Ивуар Республикаси элчиси Бернар Тано-Бучуелар ўз мамлакатлари раҳбарларининг саломини етказди ҳамда ишонч ёрлиқларини топширди.

Мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ўз нутқида барча элчиларни Тожикистонда дипломатик фаолиятларининг бошланганлиги муносабати билан табриклади.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон Тожикистон ташқи сиёсатининг асосини "очиқ эшиклар" принципи ташкил этади ва биз бу принцип асосида ҳамда ўзаро тушуниш, ҳурмат ва тенгликка риоя этган ҳолда, барча дўст ва хайрихоҳ давлатлар билан дўстона муносабат ва самарали ҳамкорликларни олиб бориш борасида доимий чора-тадбирларни ишлаб чиқамиз, дея таъкидлади.

Эмомали Раҳмон барча қўшни мамлакатлар, Форс кўрфази, Осиё ва Африка қитъалари давлатлари билан барча соҳалардаги муносабатлар ва алоқалар борасида фикр юритиб, ҳозирги босқичда давлатларимизнинг умумий амалий манфаатлари кўплигини таъкидлади.

Бу давлатларнинг янги элчилари ўзларининг самарали дипломатик фаолиятлари билан мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларини тараққий эттириш ва янада кенгайтириш учун хизмат қилишларига ишонч билдирилди.

"Ховар" ТМАА.

БОШ ВАЗИР ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИДА

Мамлакат Бош вазири Қоҳир Расулзода Душанбе шаҳрида бунёд этилаётган бир қатор иншоотлардаги қурилиш ва қайта қуриш ишлари бориши жараёни билан танишди.

Дастлаб, мамлакат Бош вазири Абу Али ибн Сино номидаги Тожикистон Давлат тиббиёт университетига ташриф буюриб, мазкур университетнинг қўшимча биноси қурилиши жараёнини кўздан кечирди.

Шунингдек, Қоҳир Расулзода пойтахтдаги катта масжид қўшма лойиҳаси қурилиши жараёни билан танишиб, кейин Тожик почтаси асосий биноси бунёд этилаётган мавзени бориб кўрди.

Турли объектларнинг бунёд этилиши ва қайта қурилиши жараёни билан танишиш чоғида асосий диққат иншоотларнинг сифатли қурилиши ва қайта тикланиши масаласига қаратилди.

Мамлакат Бош вазири тегишли вазирлигу идоралар раҳбарларини Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг топшириқ ва кўрсатмаларини ўз вақтида бажаришга вазифадор этиб, масъул шахслардан қурилиш ишлари устидан қатъий назорат олиб бориш, маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда шаҳарсозликда миллий ва замонавий архитектура талаблари риояси талаб қилинди.

С. АСЛОВ А. КОМИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ

6 апрел куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг Ташқи ишлар вазирлари Кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Тошкента борган Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигидан хабар беришларича, мулоқот давомида Тожикистон-Ўзбекистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва келгусидаги истиқболлари, жумладан, МДҲ доирасидаги ҳамкорликлар кўриб чиқилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга масалалар юзасидан фикр алмашилган.

ТОШКЕНТ САМОЛЁТИ - ДУШАНБЕДА

11 апрел куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига тегишли Airbus A320 самолёти Душанбе халқаро аэропортига келиб қўнди. Мазкур сафар биринчи ва тарихий бўлиб, унда Тошкентдан 29 нафар йўловчи Душанбега парвоз қилишган.



Эслатиб ўтиш лозимки, «Ozbekiston havo yo'llari» («Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Uzbekistan Airways») 25 йилдан сўнг, 11 апрел куни Тожикистонга биринчи парвозини амалга оширди. Ҳаво йўлларини қайта тиклаш эса, икки қўшни мамлакатнинг бундан кейинги савдо-иқтисодий ҳамкорликларини такомиллаштириш ва йўловчиларнинг борди-келдиси учун қулай шароитлар яратиш борасида пойдевор бўлади. Бу эса, Душанбе ва Тошкент муносабатларида устувор қадамдир.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» («Uzbekistan Airways») миллий авиакомпанияси 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, айни пайтда дунёнинг 25 давлатида ўз намояндалигига эга ҳамда Осиё ва Европа қитъаларининг 40дан ортиқ катта шаҳарларига парвозларни амалга оширади.

АЖДОДЛАРИМИЗГА БМТ ҚАРОРГОҲИДА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Венадаги қароргоҳи ҳовлисида донишманд аждодларимиз - Абу Али ибн Сино, Умар Хаём, Абу Райҳон Беруний ва Закариёи Розийларнинг ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳақда БМТ ахборот хизмати ўзининг «Фейсбук»даги саҳифасида хабар тарқатди.

Ҳайкаллар суғбатгоҳ шаклида ясалган бўлиб, тўрттала донишманд ҳам ўзига хос салобат билан суҳбатлашиб ўтирган ҳолда Шарқ услубида яратилган. Бу аждодларимиз тарих давомида илм тараққиёти учун хизмат қилган. Улар турли илмларда инқилоб вужудга келтириб, ўз номларини тарих саҳифаларига абадий ёзиб қўйган.

Барчага маълумки, Умар Хаём-файласуф, математик, астроном ва шоир, Абу Али ибн Сино табиб, шоир, файласуф, математик ва табиатшунос, Абу Райҳон Беруний олим, математик, астроном, антрополог, ҳиндшунос ва тарихшунос, Закариёи Розий эса, табиб, файласуф, кимёшунос ва дунёда спиртнинг биринчи ихтирочиси саналади.

МАМЛАКАТИМИЗ ҲАФТА ИЧИДА

ПОЙТАХТИМИЗ - ОРЗУ ВА УМИДЛАР МАСКАНИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар, спорт ва сайёҳлик комитети ва давлат ҳокимияти Душанбе шаҳар ижроия органи Тожикистон футбол федерацияси билан биргаликда 15 апрел - Пойтахт кунига бағишлаб бир қатор маданий-маърифий, оммавий, спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказади.

15 апрелга қадар спорт мусобақалари, жумладан, каратэ-до бўйича Тожикистон чемпионати, миллий кураш, эрталабки оммавий-спорт ва соғломлаштириш машқлари, футбол, волейбол, баскетбол, шахмат ва шашка, велосипед пойраси, бокс, тажвандо, каратэ-до, бадминтон каби спорт турлари бўйича ўтқазилиб учрашувларини ташкил этиш назарда тутилган.

Шунингдек, 15 апрел куни пойтахтнинг «Боғи Ирам» боғида ёш рассомларнинг «Пойтахт-тожикларнинг умид уйи» шиори остида кўрик танлови, шаҳмат ва шашка бўйича оммавий-спорт мусобақаси, маданий дастур ва «Асфалт устида расм» номли болаларнинг оммавий танлови бўлиб ўтади.

Шунингдек, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларнинг фароғати учун шаҳарнинг кўча, хиёбон ва маданий-истироҳат боғларида ёшлар гуруҳи иштирокида турли мусиқа асбобларини ижро этиш йўлга қўйилади.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

7 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

-«Ҳурматли Владимир Владимирович!

Эсда қоларли сана – Тожикистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганлигига 25 йил тўлиши муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табригим ва энг яхши орзу-ниятларимни йўллаяпман.

Чорак аср давомида Тожикистон ва Россия муносабатлари тараққий этди ҳамда мамлакатларимизнинг икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликларидаги ошкоралик ва ўзаро тушуниш руҳияти асосий меъёрга айланди.

Тожикистонда Россиянинг тинчлик ва миллий келишувнинг барқарор этилиш жараёнидаги тарихий роли, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётидаги улуши юқори баҳоланади.

Халқларимизнинг қадимий дўстлик анъаналари ва икки томонлама алоқаларига асосланган Тожикистон ва Россия ҳамкорликларини ўтган йиллар давомида шерикчиликнинг юқори сифат даражасига етказганимиз қувонарлидир. Биз бу йиллар давомида томонларнинг барча соҳаларда қўлга киритган амалий натижаларини қадрлаймиз.

Россия билан давлатлараро муносабатларнинг барча жабҳаларини ўз ички сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кўриб, биз уларнинг яқин келажакда яхши бўлишига умид қиламиз ва стратегик шерикчилик қоидалари асосида икки мамлакатнинг кейинги ҳамкорликларини такомиллаштиришда биргаликдаги ҳаракатларига тайёрмиз.

Биз биргаликдаги муносабатларимизга юқори баҳо бериб, икки томонлама ҳамкорлик қирраларида барча - сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги мувозанатни қўлга киритишни муҳим, деб биламиз.

Шунинг баробарида яқинда Сизнинг Тожикистонга уюштирган расмий ташрифингиз давомида қабул қилинган битимларнинг биргаликдаги ҳамкорликларимизни амалга ошириш босқичига чиқариш борасидаги муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз Тожикистон ва Россия муносабатларининг юқори иқтидорини халқларимиз манфаатлари йўлида биргаликда тўлиқ амалга оширишимизга ишонаман.

Сизга, ҳурматли Владимир Владимирович, мустаҳкам соғлиқ, Буюк Россиянинг хавфсизлиги ва унинг гуллаб-яшнашини таъминлаш борасидаги мақсадларингизнинг амалга ошишида муваффақият, унинг дўст халқига эса, тинчлик, тараққиёт ва бахт тилайман».

***

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам ўз навбатида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

-«Ҳурматли Эмомали Шарифович!

Муҳим сана - давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилинг.

Ўтган йиллар давомида халқларимизни барлаштирадиган дўстлик анъаналарига асосланган Россия ва Тожикистон муносабатлари самарали ривож топди. 150дан ортиқ икки томонлама битимлар имзоланган бўлиб, улар сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликларимизни тартибга солади. МДҲ, КХШТ, ШҲТ, БМТ, ЕХҲТ ва бошқа ташкилотлар доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликларимиз самарали йўлга қўйилган.

Ишончим комилки, биз бундан кейин ҳам Россия ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикчилик муносабатларини ҳар томонлама такомиллаштириб, халқаро терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятлар ва минтақанинг бошқа таҳдидларига қарши курашдаги ҳаракатларимизни мувофиқлаштирамиз. Бу эса, шубҳасиз, бизнинг умумий манфаатларимизга жавоб бериб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилади.

Сизга, ҳурматли Эмомали Шарифович, чин қалбимдан соғлиқ ва муваффақият ҳамда барча Тожикистон фуқароларига фаровонлик ва равнақ тилайман».

«Ховар» ТМАА.

БАҲОРГИ ЭКИН МАВСУМИ БОШЛАНДИ

10 апрел куни «Файзу баракати Ҳисор» деҳқон хўжалигида Тожикистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Маҳмадтоҳир Зокирзода, Тожикистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Изатулло Сатторий, Ҳисор шаҳри раиси Шарифжон Жумазода ва кўпни кўрган деҳқонлар иштирокида пахта экиш мавсуми бошланди.

Давлат ҳокимияти Ҳисор шаҳри ижроия органидан хабар беришларича, Маҳмадтоҳир Зокирзода пахта экиш афалликлари, ердан самарали фойдаланиш, сув билан таъминлаш, техникаларнинг экин мавсумига тайёрлиги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа масалалари юзасидан маслаҳатлар бериб, иштирокчилардан ҳар бир қарич ер-

дан самарали фойдаланган ҳолда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур минтақада 80 гектар ер пахта экишга тайёр турибди. Ҳисор шаҳри раиси Ш.Жумазода Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг ғамхўрликларига жавобан ҳисорликлар меҳнат режасини ошириб бажаришга ва Тожикистон ободончилиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшишга шай эканлигини ишонч билан таъкидлади.

ОАВ асосида З. Умаров тайёрлади.

ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

10 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Халил ас-Сиси номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

-«Жаноби олийлари!

Дўст Миср мамлакатининг қибтийлар жамоаси икки черковида ҳудкуш томонидан амалга оширилган ноинсоний ҳужум оқибатида ўнлаб кишилар вафот этганликлари ва тан жароҳати олганликлари ҳақидаги хабардан қаттиқ қайғуга тушдик ва бу бизнинг чексиз нафратимиз сабабига айланди.

Биз ушбу ҳудкуш амалини қатъиян қоралаймиз, шу билан бирга турли даражалардаги терроризм ва экстремизм ҳаракатларига қарши қатъий ва кечиктирмас кураш олиб бориш ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни таъкидлаймиз.

Ўзимнинг чуқур ҳамдардлигимни ҳалок бўлганлар ва барча Миср халқига етказар эканман, жабрланганларнинг тез фурсатларда соғайиб кетишларини тилайман».

«Ховар» ТМАА.

√ Хушхабар ----------

АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ - «BEST UNIVERSITY» МУКОФОТИ СОҲИБИ

Жорий йилнинг 8 апрел куни Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлигининг 2017 йил биринчи уч ойлик фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат Маориф ва илм вазири Нуриддин Саид Ш.Шоҳтемур номидаги Тожикистон Аграр университети раҳбариятига «BEST UNIVERSITY» мукофотини топширди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилнинг 22 февралида Англия Оксфорд Академияси уюшмаси Халқаро номинал қўмитаси тавсиясига кўра, «Best regional University» йўналишига жавоб берадиган Ширишшоҳ Шоҳтемур номидаги Тожикистон Аграр университетини 2016 йилда қўлга киритган ютуқлари, жумладан, таълим жараёнидаги хизмат кўрсатиш сифати, ўқитувчилар ихтисоси, университетнинг аккредитация даражаси, техник жиҳатидан таъминлиги, халқаро таълим дастурларида фаол иштироки ва халқаро илмий-таълим муассасалари билан ўқитувчи ва студентларни алмашиш, таълим жараёнида янги ва замонавий усуллардан фойдаланганлиги учун «BEST UNIVERSITY» («Энг яхши университет») халқаро мукофоти билан тақдирланди.

Ўз мухбир.

ПРАТИБҲА МЕҲТА МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ҚАБУЛИДА

11 апрел куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий мувофиқлаштирувчиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури янги раҳбари хоним Пратибҳа Меҳтани қабул қилди.

Учрашувда Тожикистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорликлари ҳозирги ҳолати ва келгусидаги истиқболлари муҳокама этилди.

Эмомали Раҳмон мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги аъзолигининг 25 йиллигини эсга олиб, ташкилот тузилмалари, жумладан, унинг Тараққиёт дастурининг Тожикистонда тинчлигу барқарорлик ва миллий бирлик ўрнатилишдаги ролининг тарихий аҳамиятга эга эканлигини қониқиш билан таъкидлади.

Мулоқот жараёнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури янги раҳбари хоним Пратибҳа Меҳта Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг сайёра глобал муаммолари ечимига оид барча ташаббусларига юқори баҳо бериб, Тожикистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Минг йиллик тараққиёт мақсадлари дастурининг амалга татбиқ этилишидаги устувор мавқеи ва етакчи ролини махсус қайд қилди.

Айни пайтда Тожикистонда ташкилотнинг 23та фонд, дастур ва махсус муассасалари амал қилади ва улар фаолиятининг асосий мақсадини мамлакатимиз узоқ муддатли устувор тараққиётини таъминлашга қаратилган иқтисодий-ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга татбиқ этиш эканлиги таъкидланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиётини қўллаб-қувватлашга оид - ЮНДАФ рамкали дастури орқали самарали ҳамкорлик доирасида Тожикистонга кейинги беш йил учун 363 миллион доллар ажратилади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури 2020 ва 2030 йиллар даври учун ўрта ва узоқ муддатли Тожикистон миллий тараққиёт стратегиясини татбиқ этиш, шунингдек, Тожикистоннинг сув масалаларига боғлиқ 2018-2028 йиллар - "Сув устувор тараққиёт учун" халқаро ўн йиллик ҳаракати глобал ташаббусларининг вазифа ва мақсадларини амалга оширишда қўллаб-қувватлашга умид билдиришди. Бу дастурлар асосида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ва атроф-муҳитни ҳимоялаш, барчанинг электр энергиясидан фойдаланишини таъминлаш ва сувга боғлиқ табиий офатлар оқибатлари олдини олишни қамраб олади.

Мамлакатимиз баъзи минтақаларида жон талафоти ва кўпгина моддий ва молиявий зарарга сабаб бўлган сув тошқинлари, сел, кўчки ва қор уюми тушиши каби ноқулай ҳолатлар олдини олишга боғлиқ ҳолда, табиий офатлар олдини олишга қаратилган миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тавсия этилди.

Мулоқот жараёнида, шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга энергетик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, гидроэнергетика захираларидан оқилона фойдаланиш ва барчанинг электр энергиясидан фойдаланишини таъминлаш борасидаги муҳим ҳамкорликлар масалалари кўриб чиқилди.

Маориф соҳаси, соҳа ислоҳотини татбиқ этиш, таълим муассасаларига қўшимча бинолар қуриб, фойдаланишга топшириш ва аҳолини юқори таълим хизматидан фойдаланиш билан таъминлаш борасида Тараққиёт дастури ёрдами зарур эканлиги таъкидланди.

"Ховар" ТМАА.

ЎША, 92-ЙИЛДА…

90-йилларнинг бошларидаги кўнгилларга оғир гаплик солувчи нохуш ўзгаришлар гирдоби Тожикистон осмонида ҳам айланиб қолган эди. Душанбе шаҳри маркази, Тожикистон коммунистик партияси Марказий Комитети бинои қаршисидаги майдонда охири кўринмас намойишлар ниҳоятда авж олган бўлиб, аллақандай ниқрби шахслар ўзларини "демократлар", деб барчага намойш этган ҳолда кўкрак кериб юришарди. Исломчилар, жанжал деса ўзларини томдан ташлайдиган оддий бекорхўжалар, касбий йўлтўсарлар-у қароқчилар республика ҳукуматининг бор-йўқ бисотини аллақачон ўзаро тақсимлаб олишган эдилар. Советлар давлати тарқатиб юборилганидан сўнг, Тожикистонда ҳам ҳаёт ўзўзидан чиқиб кетган эди. Республиканинг биринчи Президенти Қаҳҳор Маҳкамов юзага келган оғир вазиятдан чиқишнинг самарали йўлини топа олмагач, ноилож истеъфо берди. Умумхалқ сайловида президентликка сайланган Раҳмон Набиевни эса, кўп ўтмасдан қора кучлар Душанбе аэропортида қўлга олишиб, унинг қўрқичларини ўққа тутишди, мамлакат раҳбарини автоматлар мили остида зўрлик билан ўз вазифаси ижросидан бош тортиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чектиришди. Мамлакатда даҳшатли фуқаролар уруши бошланди. Ноҳиялларда эса, жуда кўп оддий халқ учун ҳаддан ташқари оғир, даҳшат, ҳадик, мудҳиш, бири-бириндан ваҳимали бўлган кунлар, бепаролик, очлик, азоб-уқубатларга тўла ҳаёт авж олди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз меҳнати эвазига оиласини тўйдиришга ўрганиб қолган, куни гаплазору боғу роғлар, чорва ўтлайдиган кенг майдонлар ўтадиган юз минглаб оддий меҳнаткаллар фақат келажакка бўлган ишончлари, ҳақиқатнинг ғалаба қозониши Аллоҳ томонидан белгиланган меъёр, ниҳоя эканлигига шукроналар қилиш ҳислари туфайли қаерлардадир узиладиган ўқлар, минг-минглаб кишилар қудратли наъралари янграётган майдонлардаги чексиз маърузабозлик ва даъватлардан узоқда бўлишни афзал кўришар, ўз ота ва боболари касбини давом эттиришар эди.

1992 йил ёзи охирларида Данғара ноҳиясидаги Ленин номли совхоз директори Эмомали Раҳмон ишдан ўйига қайтганида, уни ноҳиянинг обрўэътиборли кишилари қарши олишди.

-Тез бўл, Эмомали, Қўлобга борамиз, -деди улардан бири. -У ерда вилоят раҳбарларининг қайта сайлови бўлар экан.

-Майли, - қарғол рози бўлмади иш билан банд бўлган совхоз директори. - Лекин ҳеч бўлмаса, соқолимни олиб, кийимимни алмаштирай. Ахир, даладан келяпман-ку, - деди Эмомали.

Эмомали олдинда уни нималар кутаётганини ўшанда, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмаганди. Чунки бунинг учун ортиқча вақти ҳам, бирор бир асоси ҳам йўқ эди. Лекин кутилмаганда вилоят марказига йиғилганлар учун Қўлоб вилояти раислигига тавсия этишди.

-Ахир, мен ҳали ёшман. Эндигина қирққа қиряпман, -деди у йиғилганларга. -Тажрибали ва лойиқ раҳбарлар кўп, юқори малакали партия ходимлари бор. Ўшаларни сайлайлик.

Кейинчалик маълум бўлишича, ўша тоифадаги кишиларнинг аксарияти кун сайин авж олаётган можаролар, бошбошдоқиклар олдида ўзларини йўқотиб, ҳар қандай масъулиятдан четда туришга қарор қилишган экан. Шулардан воқиф бўлган Эмомали Раҳмон қўпчиликнинг азму иродасига бош эгди.

-Ундай бўлса майли, -жавоб берди Эмомали Раҳмон. -Агар сизларнинг таклифингизга рози бўлсам, менга итоат қилиб, буюрганимни бажарасизларми?

Залда ҳамовозлик садолари янгради.

-Мен розиман, -деди Раҳмон. Энди биринчи бўйруғимга қулоқ тутинглар: - Ҳозирнинг ўзидаёқ ўз қишлоқларингиз, колхозу совхозларингиз, идора ва ташкилотларингизга бориб, одамларни митинглардан тўхтатинглар. Чунки митингбозлик билан қорнимиз тўймайди. Ишлаш керак. Ҳар бир дақиқа ғанимат, қийинчиликлар, бажариладиган ишлар эса, ниҳоятда кўп, - гапни қисқа қилди янги сайланган вилоят раҳбари. Ва ўзи қадрдон Данғарасига қайтиб, халқни йиғди ва бўлиб ўтган янгиликлан хабардор қилиб, деди:

-Менга ишонишиб, Қўлоб вилояти раиси этиб сайлашди. Бугундан бошлаб, бутун вилоят учун жавоб бераман.

Совхоз аҳли қадрдон директоридан ажралишни истамаган бўлишса-да, бу янгиликдан анча мамнун ҳолда, шу ернинг ўзида сайланган янги директор раҳбарлигида ўз ишлари пайидан бўлишди.

Раҳмон совхознинг ўз ўрнига тайинланган янги директори ғалла тўла омборларни кўрсатиб: -Эҳтиёт қил, халқ мулкини қўкка совурма!-деди.

Эмомали Раҳмон Қўлоб вилояти халқ депутатлари Кенгаши раиси этиб сайланганидан кўп вақт ўтмасдан, 1992 йил 16 ноябр куни Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида даъват этилиши эълон қилинди…

1992 йилнинг март ойи. Ўша пайтда Журналистлар конфедерацияси (собиқ СССР Журналистлари Иттифоқи ана шу ном билан аталар эди) раисининг биринчи ўринбосари бўлган маскур китоб муаллифиларидан бири ҳайъат раҳбари сифатида Украинада хизмат сафарида эди.

Владимир СУХОМЛИНОВ,
Геннадий ШАЛАЕВ.

КЕЛИШУВ САРИ ЙЎЛ

Эмомали Раҳмон - инсон ва сиёсий арбоб

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳаёти ҳақида ҳужжатли қиссадан парча

Сафар зарурияти юзасидан ташкил этилган бўлиб, ундан катта натижа кутилмасди. Чунки СССР тарқалиб кеттанидан сўнг, бир вақтлар қудратли бўлган шу хилдаги уюшмалар оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган, бирор ҳаётан муҳим вазифа ижроси уддасидан чиқа олмас эди.

Иттифоқдаги мавжудлиги йилларидаёқ 1991 йилнинг апрел ойидан Конфедерация шаклида амал қилишга ўтиб олган собиқ СССР Журналистлар иттифоқи қайта қуриш "афсаналиклари"ни амалда синаб кўрмоқда эди. Украина Журналистлар иттифоқи Конфедерация сафидан чиқишга қарор қилиб, бутунлай "мустақил" равишда фаолият юрита бошлади ва Москвани маскур ташкилот ишига зўравонлик билан раҳбарлик қилишда айблади.

Украиналик журналистлар раҳбарларининг бу иши Конфедерация Кенгашининг бошқа аъзолари учун таҳқирли бўлиб кўринди ва Кенгаш аъзоси бўлган собиқ Иттифоқ бошқа республикалари (албатта, Болтиқбўйи республикалари ташкилотларидан ташқари) Украинага ўз делегациясини юборишга ахд қилишди. Ана шу делегация ҳайъатига Қозоистон вакили Сергей Харченко, Белоруссиядан Николай Толстик ва энг тажрибали, обрў-эътиборли, бир сўз билан айтганда, ёши ҳам улуғ бўлган Тожикистон вакили, Тожикистон Журналистлар иттифоқи раиси Отахон Латифий ҳам киритилди. Бунгача у қарийб чорак аср давомида "Правда" ва "Известия" газеталарининг Тожикистондаги ўз мухбири сифатида самарали меҳнат қилган эди.

Сафар маршрути Житомир, Львов шаҳарларини қамраб олган бўлиб, Житомирдаги дастлабки учрашувданоқ бу ердаги оддий журналистларнинг ўз республикаси Журналистлари уюшмасининг Конфедерация ҳайъатидан чиқиши тўғрисида ҳеч бир хабарга эга эмасликлари, журналистлар уюшмасини тарк этишларини, ҳатто, тасаввур ҳам эта олмасликларини кўрсатди.

Ғарбий Львовда манзара бошқачароқ тусда эди. Очиқчасига ҳеч ким собиқ касбдошлар ишмасидан шошипинг тарда чиқиш ахлоқсизлик эканлигини баён этмасалар-да, алоҳида суҳбатлар пайтида журналистлар ўртасида бўлиб, такримлаб оладиган бирор бир арзирли нарса йўқлиги, иқтидий кишилар учун ҳар қандай чегараланиш-лар шартли бир ибора бўлиб қолганлиги ва янгича бахрналарр ишлаш ҳеч кимга керак эмаслигини изҳор этишди.

Эрта баҳор бўлишига қарамасдан Львовда ҳаво анча илиқ, унинг табиий очиқлиги қандайдир ўзгача ранг олган эди. Шаҳарликлар хатти-ҳаракатлари ҳам илгаригидек очиқ ва чин кўнгилдан бўлмасдан, гапни узоқ чўзмасликка уринишқ яқол кўриниб турар эди. Поезд жўнаб кетишидан олдин тезкорлик билан ташкил этилган дўстона кечки дастурхонга ана шу шаҳар газеталари бош муҳаррирлари, етакчи журналистлари, киевлик ҳамкасблар ҳам даъват этилган эди. Мезбонларнинг бу дўстона дастурхонни безаш учун анча тер тўкканликлари сезилиб турарди.

Қадах сўзлар ҳам умумий яхши орзулар типашдан нариг ўтмас, ҳеч ким сиёсат тўғрисида лом-мим демасди. Лекин ҳазил ва шўх латифалар янграрди. Ҳар бир қадахдан сўнг ўртадаги вазминлик қўтарила бошлади. Гўё Совет Иттифоқи парчаланиб кетмагандек туюлар эди. Бундан илгари чет мамлакатларга қилинган биргаликдаги саёҳатни эсладик. Бир-бирларимизни жуда яхши тушунар эдик ва журналистлар оиласининг бир бутунлигини ҳеч ким инкор этмас эди. Шу дам Киев адабиёт газетасининг муҳбири сўз олди. У рус тилида, лекин кучли украинча талаффузда ва шу тилдаги ибораларни қўп ишлатиб, гап бошлади.

-Мен бизнинг республикамизга келганларни "дўст" деб атай олмайман, -деди у. -Шунингдек, биродарлар ҳам дея олмайман. Устига-устак, мен Украинамнинг собиқ "катта ака"-сидан бутунлай юз ўгиришим ва улар ўртасига тиканли сим тортиш лозим, деб айтиш бахтига эга бўлсам, дейман. Етар, бизларга халақит берманглар! Сизларсиз ҳам бизга ўзимизнинг нонимиз, чўчқа мойимиз, ақлимиз ва маданиятимиз етарлидир. Бизнинг мамлакатимиздан чиқиб кетинглар ва бу узилиш мангу бўлиб қолсин! Сизлар бизга керак эмассизлар… Мабодо бизга озодлик беришни истамас экансилар, мен қўлимга автомат олиб ўзимни сизлардан ҳимоя қилишга тайёрман. Мен бизнинг узоқ қуттан ва орзу қилган озодлигимиз учун ичаман. Яшасин озод Украина! -деб хитоб қилди.

Қадахдаги арақни бир кўтаришда ютиб юборган ўша кимса чивин учса эшитиладиган сукунатда стаканни стол устига қўйиб, ён томондаги хоналарнинг бири томон юрди. Бундай бўлишини кутмаган мезбонлар ва меҳмонлар нима дейишларини билмай қолишгани табиийдир. Чиқиб кетаётган кимсага биринчи бўлиб Отахон Латифий жавоб қайтарди.

-Орамиздан ким сизнинг озодлигингизни тортиб олмоқчилигини кўрсатиб берсанғиз. Бу ерда умуман, бошқа нарсалар қандай қилиб янги ҳаётни қуриш лозимлиги ва бу ишни биргаликда амалга ошириш ҳамда шунгача мавжуд бўлган барча яхшиликларни орадан кўтариб ташлам аслик тўғрисида гап кетяпти. Ахир, илгариги муносабатлар фақат қип-кизил туҳмату бўҳтондан иборат эмас эдику, -деди. Лекин ҳалиги кимса, ҳатто, тўхтаб орқасига қайрилиб ҳам қарамади.

Жуда оғир аҳволда Киевга етиб келдик. Украина пойтахтида ҳам кўнгилни кўтарадиган таскинбахш ҳолатлар кам эди.

Биринчидан, ҳаво совуқ бўлиб муздек шамол эсар, иккинчидан, биз овқатланадиган ресторанлар сув қуйгандек, ҳудди Мамай лашкарлари кўриб ўтгандек жим-жит ва кимсасиз эди. Овқатлар ҳам маза-матрасиз, хоҳласанг шу, бўлмаса ихтиёрингдан, қабилида тайёрланган бўлиб, бизларга аскарларнинг кўчма ошхонасидаги каби фақат оддий алюминийдан тайёрланган қошиғу вилка, пичоқлар лойиқ кўрилар, фужер ва рюмкалар ўрнига оддий стаканлар берилар эди. Журналистлар билан учрашувларимиз шунчаки оддий бир суҳбат бўлиб, улар ҳеч бир маънога эга эмас эди, ҳатто, бу тадбир белгиланган вақтда очилмасди ҳам.

Кечалари биз ойналари сокин Днепрга қараган меҳмонхона атрофидаги совуқ ва бўм-бўш йўлакчаларда соатлаб сайр қилардик.

Ҳали ҳам телевизорда бериб борилаётган "Время"ни кўриш учун меҳмонхонага қайтиб, Отахон билан бирга барча янгиликлардан хабардор бўлардик.

Душанбедан берилаётган янгилик ва хабарлар доимий бўлиб, шаҳар марказий майдонида кеча-ю кундуз давом этаётган митинг ва унинг ташаббускорларини кузатардик. Ҳар доим бошини баланд кўтариб, гавдасини гоз тутиб юрадиган, озғин Отахон Латифий кўзим олдида гўё қартайиб ва букчайиб қолди. У бирор сўз демас, фақат ўйлагани-ўйлаган эди. Бирор нарса дейишга қодир эмаслиги кўзларидан кўриниб турарди.

-Кел, ичайлик, деярди ва ичгач, бир бўлак нон, пиёз ва гўштни газак қилиш билан чеклаларди. Биз унга бирор савол билан мурожаат қилишдан ўзимизни тиярдик.

"Время"ни томоша қилиб бўлгач, яна кўчага чиқиб, узоқ вақт пиёда юрар ва ҳаммани ташвишлантираётган ҳодисалар тўғрисида, ҳатто, оғиз очмаслиққа ҳаракат қилар эдик. Лекин кўпинча Отахон тоқат қила олмас ва биринчи бўлиб гап бошларди.

-Нима бўлса ҳам фуқаролик уруши бошланмасин, унда қандай қилиб бўлса-да, сақланиб қолиш лозим, -деди у шу хилдаги тунги сайрларнинг бирида. Унинг овози бўғиқ ва қатъий эди. Бунда у, албатта, Тожикистондаги вазиятни назарда тутаётганг тушунарли эди. Чунки Россиядаги аҳвол ўша кунларда оғир ва бемаъни бўлишига қарамасдан, Тожикистондагидан фарқ қилар эди.

Киевда бўлишимизнинг сўнгги куни кечқурун "Время"ни кузатаётиб поезддан кеч қолмаслик учун тез-тез соатимизга қараб кўяр эдик. Шунда Отахон бирданига:

-СССРнинг парчаланиб кетгани ҳам, Украинанинг Конфедерация сафидан чиқани ҳам даҳшатли эмас. Яна нималар бўлишини мен билмайман-у, лекин кўплаб кон тўкиладиганга ўхшаб қолди. Бизнинг энг нодир тарихий имкониятни йўқотаётганимиз даҳшатлидир. Тўғри, мамлакатимизда кўп нарсалар кўнгилдагидек ва биз кутгандек бўлмади. Нима бўлганда ҳам бир-бирларимизни тушуниш ва Шарқ ҳамда Ғарб маданияти билан бойишимиз имкони бор эди. Ва биз ана шу жараёнда кўп нарсаларга эга бўлдик. Кўпчилик буни сезмаяпти. Чунки бунгай вазият жаҳон тарихида мавжуд бўлмаган эди. Энди ана шу жараён узилди, биз бир-бирларимизнинг бутунлай узоқлашиб кетдик…

У жимиб қолди ва ҳаяжонга эрк бериб айтган сўзларидан уяпгандек - Кел, поездга чиқишга тайёрланайлик, -деди.

Поезд Москва шаҳрига ўз вақтида етиб келди. Лекин бизнинг узоқ муддат давом этган ва одат бўлиб қолган ҳаёт тарзимиз бошқача тус олган эди ва олдинда кутилмаган жуда кўп воқеалар турарди.

Албатта, Украина Журналистлар иттифоқи Конфедерация сафига қайтиб кирмади. Отахон Латифийнинг ўзи қадрдон Журналистлар итифоқидан чиқиб, мухолифат сафига қўшилиб, бир неча фурсат Москва, кейинчалик Теҳронда яшади. У қанчалик хоҳламасин, Тожикистонда бемаъни ва қонли қарама-қарши туришликлар, аслини олганда, фуқаролар уруши бошланиб кетиб, келишув йўли жуда ҳам оғир ва машаққатли бўлди. Унга эришилганида Отахон 1998 йилнинг 22 сентябр куни йўлларан қотил томонидан отиб ўлдирилган эди. Олдинда эса, тожикистонлик минг-минглаб қочоқлар, жумладан, Россияга ўрнашиб олмасдан жаҳон мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кеттан журналистлар азобу уқубатлари мавзуд эди. Ўша пайтдаги расмий маълумотга кўра, бундай кишилар тўғрисида аниқ бир рақамни келтириш имкони йўқ бўлиб, Россия миграция хизмати эса, ўзининг милиция ходимларига қараганда тепса тебранмасликлари, суст ҳаракат қилишлари туфайли деярли ҳеч бир мақтовли ишга қодир эмас эди. Олдинда Тожикистон ичидаги қақшатқич қарама-қаршиликлар, бандитлар ва ярим бандитларнинг бегунoҳ кишиларни қатл қилишлари, тинч аҳолининг ўқ ўрланиши турар эди…

Лекин ўша, 1992 йилнинг март ойида буларнинг ҳаммасини бутун борлиғича кўз олдига келтиришнинг имкони йўқ эди. Бундан ташқари, бирлашгирувчи, Тожикистонни боши берк кўчадан олиб чиқувчи ва фуқаролик урушини тўхтатувчи шахснинг ҳалигача ҳеч кимга маълум бўлмаган қирқ йили, оддий Эмомали Раҳмон номли шахс бирлигини ҳеч ким билмасди. Биз Отахон билан биргаликда бир неча бор ана шу оддий бўлмаган раҳбарлик юкини зиммасига олишга қодир бўлган кишилар тўғрисида сўзлашган пайтда, ўз мамлакатида жуда кўп кишиларни яхши биладиган, 1991 йилда республика Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаш ҳам муваффақ бўлган Латифий ҳеч ким ойлик маоши тилга олинганида ҳам йўқ маъносида бош чайқар эди.

Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади. Айрим кишилар кучли ирода, талант соҳиби бўлган ҳолда, бутун вужудини белгиланган мақсадга хизмат қилдира олади ва жуда кўп нарсаларга эга бўлади. Ана шу тарихий ҳақиқатни хозирча ҳеч ким инкор этмаган ва эҳтимол, келажакда ҳам инкор эта олмас.

Рус тилидан Омонбой ЖУМАНОВ таржимаси.

АКБАРЖОНЛАРНИ ТЎХТАТИНГ, ОДАМЛАР!

Ишдан уйга қайтиб, сўнги янгиликларни билиш мақсадида телевизорни ёқаман. Жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни кетмакет эфирга узатиб турадиган «Evronews» телеканалидан қисқагина ахборотни тингланимдан сўнг, хотиржам бўламан. Жуда тез ўзгарувчан даврда яшаётганлигимиз ҳам шуни тақозо этади.

Ўша куни ҳам ишдан келган заҳоти телевизорни ёқдим. «Evronews» телеканалида атиги икки соат бурун Санкт-Петербург шаҳри метросида рўй берган фожиа жойидан мустақил кўрсатув берилаётганди.

Юрагим увишди. Яна бегуноҳ кишилар қони тўкилибди. Экранда қўрқинчдан юзларига дақшат инган санкт-петербургликларни кўриб, вужудимни қайғу чулғади. Афсус…

Апрел ойининг бошида биз учун дўст ва стратегик воси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ташаббуси билан мамлакатимизда 2011 йил «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги Тожикистон Республикаси қонуни негизида ҳам эвришлашар замонида ёшларимиз тарбияси масъулиятини кенг жамоатчилик зиммасига юклайди. Бу қонун моҳиятини англаб етиш, уни ҳаётга татбиқ этиш – ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Зеро, ёшларимизда миллий ифтихор, ватанпарварлик, ғаллаҳ ҳурмат-эҳтиром, келажакка ишонч ҳисларини шакллантирмай туриб, уларнинг ёркин келажагини таъминлаш мушкул бўлади. Ота-онага меҳр-муҳаббат туйғуси сингдирилмаган болада Ватанга садоқат ҳиссини тарбиялаш қийин. Шунинг учун ҳам, Давлатимиз саркори фойдаланиш маданияти, бўлмағур тарғиботлардан ёшларни эмин сақлаш учун, энг аввало, ёшларимизни фазилатли инсонлар этиб тарбиялашимиз давр тақозосига айланиб бормоқда.

- Бугунги даврда ёшларимизнинг хориж юртларида таҳсил олиш, ишлашлари учун кенг имкониятлар мавжуд, - дейди қабодиёнлик таниқли шоир Неъматулло Муҳаммадсаид. – Биз таълим-тарбия жараёнида ана шу жиҳатга ҳам эътибор қаратишимиз ҳаёт тақозосига айланган. Ёшларимизни миллий суннатлар, қадриятларимизга эҳтиром кўрсатиш, она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашимиз, уларга ўзимизнинг дурст ва тўғри ғояларимизни ишончлироқ сингдира олишимиз зарур. Ёшларимиз бегона ва зарарли ғояларга берилмасликлари учун, улар қаерда бўлмасин, зич алоқада бўлишимиз лозим. Шундагина фарзандларимизу неваларимизнинг комил шахс сифатида шакллашишига имконият яратамиз. Ишончим комилки, миллий қадриятларимиз, аждодларимиз удумларига содиқ фарзандлар ҳеч қачон манфур ғояларга берилмайдилар.

Бугун дунёда қон тўкиш билан ўз мақсадларига эришиш учун нопок қилмишлар этагини тутганлар ҳеч қачон ниятларига эриша олмайдилар. Зеро, соғлом тафаккур ҳамиша ёвузлик устидан ғалаба қозониб келган ва шундай бўлаверади ҳам…

Искандар МАХМАДАЛИЕВ,
«Халқ овози».

√ Мулоҳаза

Ислом дини асл рисолати инсонни адлу инсоф, шафқату муҳаббат, сабр-тоқатлилигу шукр қилишлик, тинчлигу осойишталик руҳида тарбиялаш бўлиб, у ҳар қандай зўравонлик, бузғунчилик, қатлу ғоратни маҳкум этади, хусусан, мусулмонлар орасида бу каби кўринишлан юз беришига бутқул қаршидир.

Эмомали РАҲМОН.

ТЕРРОРИЗМНИНГ МАНФУР БАШАРАСИ

Бу гап Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон томонидан юксак минбардан туриб айтилгандан сўнг, неча-неча марталаб ўз исботини топди. Биргина ўтган ҳафта ичида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Швециянинг Стокголм, Мисрнинг Танта шаҳарларида юз берган қатор террористик актлар амалга оширилганидан сўнг, муҳтарам Президентимизнинг асримиз улкан вабоси ва унинг ижрочилари ҳақида билдирган фикрлари нечоғлик ҳақ эканлиги яна бир карра намоён бўлди.

Хўш, террор нима ўзи? Ва у қачон пайдо бўлган?

Луғат китобларда бу сўз ақидаларига эргашмаган тоифаларга қўрқув солиш орқали ўз фикрларини баён этиш, -деган жавобларни ўқиймиз. Чинданам шундай. Бунинг мисолини бугунги кунда дунёнинг турли гўшаларида содир этилаётган террористик хуружларда кўриб турибмиз.

Террор аталмиш ҳаҳолатни аслида инсоннинг ўзи яратиб, яна ўни турлича номлар билан атади: қизил террор, насроний-ларга мансуб гуруҳлар террори, мусулмон жангарилар террори...

Ўтган асрда Совет иттифоқи сиёсатига нисбатан қизил террор, деб ишлатилган бўлса, кейинчалик Лотин Америкаси, умуман, эълон қилиб, бутун инсоният бошига битган бало бўлди!

Ҳа, ҳозирда бу кучлар ўзларининг жангарилиги ва юқори даражада иқтимоий хавфлилиги билан тавсифланмоқда. Эътиборли жиҳати шуки, улар томонидан мақсадга эришиш борасидаги фаолиятлари турлича бўлса-да, тутаётган йўл ёки қилаётган ишлари бир хил: одамларнинг тинч турмуш тарзини издан чиқариш ва уларни қўрқувда яшашга мажбурлаш.

Юқорида эслатганимиздек, кейинги ҳафтада Россия Федерациясининг Санкт-Петербург, Швециянинг Стокголм, Мисрнинг Танта шаҳарларида юз берган қатор террористик амаллар мусулмон кишилар томонидан содир этилган. Инсониятга бахт келтирган Ислом дини моҳияти нега бунча ўзгариб кетди? Нега унинг вакиллари бошқаларни қурбон қилиб, муқаддас дин номига доғ туширмоқда?

Бу саволга яна муҳтарам Президентимизнинг: - «Террористнинг дини, миллати ҳамда ватани бўлмайди!» - деган машҳур ибораси айни жавобдир.

Ўн беш асрдан буён инсоният узра нур сочиб келаётган Ислом дини ҳеч қачон террорни қўллаган ва оқламайди ҳам. ДОИШ-ИШИД қўштирноқ ичидаги Ислом давлати ташкил қилишгача ва юз минглаб бегуноҳ кишилар қони тўкилишига сабаб бўлган ташкилотлар ортида кимлар туришган ва улар ўз олдига нимани мақсад қилиб қўйганликлари бугунги кунда очиқ-ойдин барчага маълум бўлиб қолди. Бу каби ташкилотлар ортида турганлар асл мақсадлари Исломдан ниқоб сифатида фойдаланиб, мақаддас Ислом таълимотларининг тескарисини амалда кўрсатиб, уни ёмонотлиқ қилишдир.

Ҳолбуки, мусулмон киши бошқа дин вакилларининг ибодатхоналарини ҳурмат қилади, уларнинг диний-ақидавий масалаларига аралашмайди, уларга ноҳақ жабр қилмайди. Бу сўзни биз тўқиб чиқарганмиз йўқ. Бу-Исломнинг асл ғояси. Зотан, харобазорга айланган Сурияда ҳам, Мисрда ҳам асрлар оша турли дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келганлар, ҳеч қачон диний мотивларни рўкач қилишиб, бир-бирининг ёқаларидан олишган эмас.

Чинданам Ислом ва террор сўзларини бирикма шаклида ифода этиш уларнинг мазмун-моҳиятига зиддир. Сабаби, нафақат Ислом, балки бирор-бир самовий динлар ўз таълимотларида зўравонлик, зулм ва қон тўкишни оқламаган, ҳарриз оқламайди ҳам. Хусусан, Ислом дини зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини қатъий қоралаган.

Ҳа, Ислом-моҳиятан инсонпарвар дин. У бир инсонга тажовуз қилишни бутун инсониятга тажовуз қилиш ёки бир инсон ҳаётини сақлаб қолишни бутун инсониятни сақлаб қолиш, дея баҳолайди.

Санкт-Петербург метрополитени, Стокголм ва Мисрнинг Танта шаҳарларидаги қибтийлар черковида содир этилган ноинсоний амалиёт мушоҳада этиларкан, терроризмнинг манфур башараси намоён бўлади. Бу башара инсониятга тегишли эмас, балки баъзи башарнинг душманининкидир!..

Абдулвоҳид ҲОМИДОВ,
Имоми Аъзам (р) номли Тожикистон Ислом олийгоҳи катта ўқитувчиси.
Абдулло САИДОВ,
«Халқ овози».

Суғд вилояти янгиликлари

"БИЗ ОНА-ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!"

Вилоятнинг турли шаҳар-қишлоқларида туғилиб-ўсган 1200 нафар йигит кўнгилли равишда ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Хўжанд яқинидаги Арбоб қасри амфитеатрида йигитларни хизматга жўнатиш муносабати билан тантанали маросим ўтказилар экан, "Биз Она-Ватанга хизмат қиламиз!", деган сўзларни тез-тез эшитиш мумкин эди.

Суғд вилояти Раиси Абдураҳмон Қодирий ўз йигитлик бурчини идрок этиб, хизматга отланаётган ёшларга, уларни ватанпарварлик, фуқаролик бурчини адо этишга шайлик руҳида тарбиялаган ота-оналарга миннатдорчилик билдирди. У мамлакатдаги мавжуд ҳарбий қисмларда шароит йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани, фарзандлари ҳолидан хабар олиш учун бораётган ота-оналар қулайликлардан мамнун бўлиб қайтаётганликларини таъкидлади.

Оналар ўғилларига нон тишлатар экан, ҳарбий хизматга ой бориб-омон келишларини, Ватан олдидаги бурчларини бажариб, берган оқ сутларини оқлашларини тилашди.

Вилоят санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар садоси остида хизматга отланган йигитлар ҳам ўйнабқулишди.

Тантанали маросимдан сўнг йигитлар ва ота-оналар Бобожон Ғафуров марказига йўл олишди. У ерда, темирйўл вокзали олдидаги майдонда ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган йигитлар ва уларнинг ота-оналари учун 4 минг кишилик дастурхон тузалганди.

Вилоятнинг турли шаҳар ва ноҳияларида ҳам йигитларни баҳориги чақириқда ҳарбий хизматга жўнатиш тантаналари бўлиб ўтган. Вилоят раиси матбуот марказидан хабар беришларича, баҳориги чақириқ ўношқоқлик билан бошланган.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ БЎЛАДИ

Ашт ноҳияси маркази - Шайдон шаҳарчасида яшайдиган 620тадан ортиқ оилага томорқа майдони тақсимлаб берилди. Бу оилаларнинг ҳаммаси уй-жой қуриш учун ер майдонига муҳтож бўлиб, навбатда туришганди.

Янги томорқа олган кишилар ўзларида фақатгина уй-жой қуриш учун эмас, балки оила эҳтиёжи учун мева-сабзавот етиштириш имкони пайдо бўлганлигидан мамнун бўлишмоқда.

Ашт ноҳияси раиси Зариф Мирдадонинг айтишича, эҳтиёжманд оилаларга томорқа бериш давом этади. Яқин кунларда яна 50тага яқин шайдонлик оилага томорқа ажратилиши мўлжалланмоқда.

Ашт ноҳияси давлат ҳокимияти ижроия мақомотидан билдиришларича, бошқа қишлоқ аҳоли манзилларидаги уй-жойга мўлтож оилаларга ҳам томорқа майдони ажратиш иши давом этмоқда. Жорий йилнинг ўзида, жумладан, Пунуқ, Ифтихор ва Ориён қишлоқ жамоатларида 280та оилага томорқа берилган.

ИСФАРАЛИК ТАДБИРКОР ҲИММАТИ

Исфара шаҳрида яшайдиган тадбиркор Абдужалил Саврриддинов руҳий касаллар беморхонасига 60 минг сомоний миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. Бу пулга 220 дона кийимкечак, оёқ кийимлари, чойшаб, сочиқлар, гурунч, макарон, ёғ, қанд ва бошқа маҳсулотлар олиб берилди.

Беморхонада даволанаётган беморларнинг яқин кишилари, шифокорлар тадбиркор ҳиммаётидан миннатдор бўлишди.

КИТОБ ЭНГ ЯХШИ ДЎСТДИР!

Спитамен ноҳиясидаги Лангар қишлоғида жойлашган 8-ўрта умумтаълим муассасасида ижодкорлар билан учрашув бўлди. Мазкур учрашув мамлакатимизда ўтказилган "Болалар ва ўсмирлар китоб хафталиги" доирасида бўлиб ўтди. Китобхонлар билан учрашув ноҳия марказий кутубхонаси ва унинг Лангардаги филиали томонидан ташкил этилди.

Учрашув ёш китобхонлар шеърхонлиги билан бошланди. Ноҳия марказий кутубхонаси мудири Дилфуза Шамсиева китобнинг инсон учун энг яхши дўст эканлиги, болалар ва ўсмирларнинг бўш вақти энг мазмунли ўтишида китоб мутолааси муҳим ўрин тутиши ҳақида гапирди.

Ёш шоир, Лангардаги кутубхона мудири Алишер Дўстматов учрашувни олиб борар экан, китобга дўст тутинган одамнинг дунёқараши кенг, билими кучли, ахлоқ-одоби гўзал бўлиши ҳақида гапирди.

Китобхонлар таниқли ижодкорлар, болаларнинг севимли шоири Султонмурод Ҳожибоев ва фақат катталар учун эмас, болалар учун ҳам ажойиб шеърлар битаётган Шариф Нуриддинги қизғин кутиб олишди. Улар ижодидан намуналар тинглаш билан бирга, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Ижодкорлар китобхонларга ўз китобларини тақдим этишди. Энг яхши китобхонларга ноҳия марказий кутубхонаси Ифтихорномалари топширилди.

Худди шундай китобхонлар билан учрашув Девштич ноҳияси маркази - Ғончи шаҳарчасида ҳам бўлиб ўтди. Кўп сонли адабиёт мухлислари мамлакат пойтахтидан ташриф буюрган шоирлар Жўра Ҳошим, Али Бобожонлар ўқиган шеърларни жон қулоқлари билан тингладши. Ҳажвчи ва болалар шоири Эгамназар Соҳибназаров ўқиган шеърлар ҳам қарсакларга кўмилди.

Ўз мухбир.

√ НУҚТАИ НАЗАР

СЎНГГИ ПУШАЙМОН - ЎЗИНГГА ДУШМАН

Жамиятда яшовчи ҳар бир шахс ўзи яшаб турган муҳит удумларига, қонуниятларига бўйсуниши шарт. Шу жамиятда яшаб, унинг қонуниятларига бўйсунмаслик - жиноят. Бу гапларни айтиш ёҳуд англаш учун олим бўлиш шарт эмас.

Душанбе шаҳри И. Сомоний ноҳияси суди Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддаси, 3-4011 қисмига биноан, фуқаро М. Бўтаевни 12 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этди. Бу шахс, экстремизм ва терроризм билан шуғулланувчи, фаолияти бутун дунё аҳли томонидан қаттиқ қораланаётган «Ислом давлати» террористик ташкилоти билан алоқадорликда айбланиб, қонун олдида жавоб берди. М. Бўтаев ўз қилмишларига биноан, озодликдан маҳрум этилди. Мен бу ҳабардан оммавий ахборот воситалари орқали огоҳ бўлдим. Манбанинг келтиришича, М.Бўтаев Россия Федерациясининг Самара шаҳрида муҳожирлик пайтида «Ислом давлати»га тегишли «Зелло», «Ислом давлати сари йўлбошловчи» интернет тармоғига кириб, у ерда Муҳаммад Мовия номли шахс билан танишади. Унинг даъвати билан Сурия Араб Республикасига бориб, «Ислом давлати» террорчи ташкилоти жангчилари сафига қўшилишга ҳаракат қилади. Бўтаевни Сурияга осонгина етиб олишига қўмақлашган, интернетдаги таниши Муҳаммад Мовия, Самара-Москва-Кишинёв-Истанбул йўналиши бўйлаб учувчи рейса электрон чипта жўнатган. М.Бўтаевнинг шу орзу-истаклари амалга ошмади. Чунки у 2016 йилнинг 27 декабр куни Самара аэропортида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди. Боши берк кўчага кириштинг оқибати шу тахлит тугади.

Ўтган ҳафтада Санкт-Петербург шаҳрида қирғизистонлик ёш йигит-Акбаржон Жалилов томонидан амалга оширилган ва унинг оқибатида ўзи билан бирга ўн тўрт инсон умрига зомин бўлган террор ҳужуми кенг жамоатчилик ва бутун дунё аҳли томонидан таҳқирланмоқда. Ер юзида рўй бераётган ҳудкушлик ҳужумлари ортидан минглаб одамларнинг ёстиги қуриди. Швеция ва Мисрдаги ҳунрезликлар ҳам шулар жумласидандир. Террор зулмнинг энг жирканч ва аянчли кўринишидир.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон дунёнинг турли юқори минбарларидан туриб, террорчининг Ватани, миллати ва дини йўқлиги ҳақида айтган гапларини доим ёдимда сақлаб келаман. Телевидение орқали у ёки бу жойларда террор ва унинг кўнгилсиз оқибатлари кўрсатилганда, муҳтарам Президентимизнинг сўзлари қулоқларим остида жаранглаб кетади. Россия ишлаш учун бориб, интернетдаги номаълум кишилар даъватига учиб, «Ислом давлати» сафига кўшилмоқчи бўлганда қўлга олинибди, деган хабарлар эса, кишида таассуф ҳиссини уйготади. Зеро, бундай мудҳиш жиноятга қўл ураётган террорчиларнинг аксарияти ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган ёш йигитлар. Буларнинг қалбида оқибати ниҳоятда хунук бўлган жиноят қилишга майл қаердан пайдо бўлмоқда?

Инсоният тарихида мисли кўрилмаган бундай жиноятлар олдини олишнинг имконияти борми?!...

Қалқаро таҳлилчиларнинг таъкидлашларича, «Ислом давлати» зўравон ташкилотининг ёш қурбони сифатида кўрилаётган Акбаржон Жалилов каби йигитлардан ўзларининг манфур ниятлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Халқаро террорчи гуруҳ ҳисобланган «Ислом давлати» Яқин шарқ ва Ироқда мағлубиятга учраб бошлаганидан сўнг, хусусан, Европа ва ер юзининг кўпгина давлатларидаги кўпорувчиликлар оқибатида одамлар юрагига қўрқув сола бошлади. Бу шунчаки чўпчак бўлмай, аниқ режалар асосидаги стратегик мақсадни эслатади. Террорнинг одамлар хаёлларига келтирмайдиган турлари билан ҳаракат қилиш, содда ва оддий инсонлар ҳаётига хавф тутдирмоқда.

Қизиғи шундаки, муқаддас Ислом дини номидан ҳаракат қилинмоқда, аслида, дин таълимотида ноҳақ одам ўлдириш, ўз жонига қасд қилиш гуноҳи азимдир. Улар эса, ўзининг нопок мақсадлари йўлида Ислом дини номидан фойдаланишади.

Айтиш мумкинки, йигирма биринчи аср террор ва совуқ урушлар кўланкаси соя солиб турувчи аср сифатида тарихдан ўрин олса ажабмас.

Ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ва эҳтиросга тез берилувчи ёшлар эса, ИШИДга жалб этувчи махсус гуруҳлар домига тезлик билан илинишмоқда.

Нима қилмоқ керак?...

Аввало, «Ислом давлати» террорчи гуруҳининг, аслида, муқаддас Ислом дини билан мутлақо алоқаси йўқлигини, аксинча, Ислом дини ғояларига зид эканлигини ёшлар онгига сингдирмоқ лозим. Илгари кўрмаган, билмаган одамнинг биргина имоси билан унинг ортидан эргашиб кетавериш мумкинми, ўзи?

Фарзанд оилада тарбияланган бўлиши керак. Ота-она ўз фарзандига эга чиқмаса, унга бегоналар эгалик қилишади. Оқибатини эса, кўриб турибмиз. Фарзандларнинг дунёқараши оилада шаклланади. Қуш уясида кўрганини қилади, деган ҳикмат бекорга айтилмаган, ахир. Террор ва унинг сир-асрорлари тўғрисида газета ва журналларда таҳлилий мақолалар бериб турилса, фойдадан холи бўлмасди. Пайдо бўлаётган бўшлиқдан террорчи гуруҳлар ва уларнинг гумашталари оқилона фойдаланишмоқда. Ва усталик билан ёшларимизни йўлдан уришаяпти. Айни пайтда террорчилик бутун инсониятга хавф тўғдирар экан, унга қарши ижтимоий кураш-моқ керак. Аввало, зийраклиги қўлдан бермаслигимиз айни муддао. Токи, сўнгги пушаймонлик ўзимизга душман бўлиб қолмасин!

Зафар СУЛАЙМОНИЙ,
ўқитувчи.

√ Эътироф

ОМОНБОЙ ЖУМАНОВ - ТОЖИК АДАБИЁТИ ТАРҒИБОТЧИСИ

Тожик-ўзбек халқлари қадим замонлардан бир минтақада дўсту қардрдон, девордармиён қўшни, урфу одатлари бир бўлиб яшаб келишган икки тилли бир халқдир. Улар ўзаро суҳбатларда бир-бирини таржимонсиз бемалол тушунаверсалар-да, барибир бадиий асарлар мутолаасида моҳир бир таржимонга эҳтиёж сезишлари бор гап.

Таржима нима ўзи? У бошқа тилдаги бадиий гўзалликни ўз халқи учун ижодий ўзлаштириш, янги тилнинг қуввати ва қудратини намойиш этиб, асарни шу тилнинг санъат ҳодисасига айлантириш демак.

Айнан шу масалада тожик адабиёти тарғиботчиси, моҳир таржимон Омонбой Жумановга етадигани жуда кам. У ҳам ўзи таржима қилаётган асарни санъат ҳодисасига айлантирма олувчи ўта маҳоратлилиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Омонбой акани ёшлигимдан биламан. "Совет Тожикистони" республика газетасидан ташқари, Рўдакий номидаги ижодиёт уйининг ходимлари сифатида ҳам ўзининг турли жанрдаги битиклари ҳамда таржималари билан ишторок этиб келардик.

- Биз Омонбой акани битикларини ўқиб катта бўлганмиз, -дейдиаксар тенгқурларимиз.

Бу гапда улкан эътироф бор.

Омонбой Жуманов таржимонлик билан олийгоҳда ўқиб юрган даври - ўтган асрнинг 70-йилларидан буён шуғулланиб келади. Олийгоҳдан сўнг, ўрта мактабда ўқитувчилик қилган кезларида ҳам таржимонликни бир четга суриб қўйганлари йўқ.

Ана шу ўтган йиллар мобайнида у киши тожик адабиётининг улкан намояндаси Садриддин Айнийдан бошлаб, бугунги кундаги ёш қаламкаш вакиллари асарларигача таржима қилиб, ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этди.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун у киши таржима килган асарлардан бир қанчасини рўйхатини келтириб ўтсак: С. Айний "Сталин конституцияси ва меҳнаткаш яҳудийлар", Ҳ. Карим "Қопдаги одам", Ж. Икромий "Олов қизи" (романдан парча), Р. Жалил "Кўнгил ошёни" (романдан парча), С. Улуғзода "Ёшлигимиз тонги" (романдан парча), Ф. Ниёзий "Вафо" (романдан парча), Б. Ортиқов "Тош кўз ёшлари", А. Баҳорий "Синов", Ж. Одина "Давр кечмиши" (романдан парча), А. Шукуҳий "Шаҳло ва Шифо", О. Латифий "Шашмақом сехргарлари", М. Бахтий "Мўйсафид", Сорбон "Ёлғизлик", шунингдек, Ибод Файзулло ва яна ўнлаб тожик насрнависларининг у ёки бу асарларини, ҳикояларини ўзбекчага таржима қилиб, китобхонларга армуғон этди. Шунингдек, яна бир қанча таржима асарлари, аллақачон, халқ бадиий мулкига айланиб улгурди.

Омонбой Жуманов таржима асарларини алоҳида китоб шаклида ҳам нашр этиб, биз мухлислар қувончига сабаб бўланлиги рост. «Тоғли диёр қўшиқлари» тожик адибларининг қисса ва ҳикояларидан ташкил топган. А. Самадовнинг "Маҳбус", Кароматалло Мирзонинг "Ишқ дарди қиссаси", "Ота орзусида" ва "Бегуноҳнинг ўлими" романлари шулар жумласидандир. Яқинда таржимоннинг "Эмомали Раҳмон жасорати" (Душанбе, "Ирфон" нашриёти, 2016 йил), "Жасур қиз" ("Тошкент, Ўзбекистон" нашриёти, 2015 йил) "Эътироз" ("Шарқнома" журнали 2-сони, Ҳўжанд 2015) каби асарлари Тожикистон Ёзувчилар иттифоқининг С. Айний номидаги адабий мукофотига тавсия этилди. Ва биз мазкур асарларни чиндаман мукофотга лойиқ, деб биламиз.

Бундоқ ўйлаб қарасам, ана шу сўз бизнинг Омонбой акага айтилгандек.

Ёзувчи, журналист, моҳир таржимон, тожик адабиёти тарғиботчиси Омонбой Жумановнинг узоқ йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланса, нур устига аъло нур бўлар эди, албатта.

Зеро, меҳнат қадри билан янада улуғворлик касб этади. Умид шулдирким, Омонбой Жуманов бундан кейин ҳам янада ғайрату шижоат билан ёки дўст халқ адабиётига ҳормайтолмай бирдек хизмат қилаверади.

Абдулло САИДОВ,
"Халқ овози" газетаси
Маънавият бўлими
мухаррири.

Хатлон вилоятидан хабарлар

Ёшлар хизматга жўнади

Кўлоб шаҳри «Тожикистон Республикаси Давлат байроғи» майдонида бир гуруҳ ёшларни Куролли кучлар сафига жўнатиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тожикистон Халқ Демократик партияси Кўлоб шаҳри ижроия органидан хабар беришди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Ватан хизмати ҳар бир ор-номусли йигитнинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Қонун бўйича ҳарбий комиссариат Тожикистон Республикаси Куролли кучлари сафида хизмат қилиш учун 18 ёшга тўлган ёшларни хизматга даъват этган. Ҳарбий хизматга баҳорги чақиришнинг биринчи кунида Кўлоб шаҳри ҳарбий комиссариатида ихтиёрий равишда она-Ватан ҳимоясига отланган 51 нафар ёшлар тиббий кўрикдан ўтдилар.

Аёллар кенгаши навбатдаги мажлиси

Хатлон вилояти маркази – Қўрғонтепа шаҳрида вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода иштирокида вилоят Аёллар кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги Тожикистон Республикаси қонунининг ҳаётга татбиқ этилиш масаласи кўриб чиқилди. Маз-

кур масала юзасидан давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи Болалар ҳуқуқи бўлими, вилоят Маориф ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармалари намояндалари маълумот беришди.

- Аниқ ўрганилиши талаб қилинадиган масалалар мавжуд ва уларнинг ечими маориф соҳаси равнақи ҳамда тарбиявий ишларнинг яхшиланишига имконият яратади, - деди вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода. – Бу йўналишда ота-оналар фаолияти, уларнинг мактаб ва мааориф соҳасининг бошқа тарбиявий муассасалари билан алоқалари жонлантирилиши тақозо этади.

Аждодий ҳунарлар тикланади

Кўлоб шаҳри Технология ва инновацион менежмент институти талабаларини касб ўрганиш ҳамда миллий ҳунарларни тиклашга жалб қилиш мақсадида, олийгоҳнинг Технологик парки заминасида Атлас ва адрас ишлаб чиқариш маркази таъсис этилди.

Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологияларни вазирлиги матбуот хизматидан хабар берилишича, айни пайтда тажрибали мутахассислар атласу адрас тўқиш ускуналаридан фойдаланиб, аждодий ҳунар сирларини олийгоҳ хотин-қизларига ўргатишмоқда.

- Олийгоҳ маъмурияти Кўлоб минтақаси уй бекалари, ишсиз қизларини кўпроқ жалб этиш ниятида келгусида қисқа муддатли курслар ташкил этиб, атлас ва адрас тўқиш маҳоратли мутахассисларини тайёрлашмоқчи, - деб хабар беришди Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлиги матбуот хизматидан.

«Биз ва Шоҳнома» танлови

Кўлоб шаҳри Садриддин Айний номидаги вилоят кутубхонаси ташаббуси билан «Тожикистон болалар ва ўсмирлар китоби ҳафтаси» фестивали доирасида вилоят кутубхонаси мажлислар залида Кўлоб шаҳри таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Биз ва Шоҳнома» танлови ўтказилди.

Танлов ўтказилишида Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» китобидан ўрин олган аждодларимизнинг бой маданий меросини қадрлаш ва ундан фахрланиш, Ватанга муҳаббат, жасурлик ва мардоналик, миллий Вахдат каби муқаддас ғоялар тарғиб этилди.

Танлов якунида голиблар Кўлоб минтақаси Маданият бошқармаси ва С. Айний номли вилоят кутубхонасининг Ифтихорнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи

Давлат ҳокимияти Шамсиддин Шоҳин ноҳияси ижроия органи маъмурий биносида Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати Ҳукумат иншоотлари қурилиши дирекцияси томонидан қурилиш ишларининг иккинчи босқичи бошланди.

«Консол» МЧЖ ишбошиси Олимжўжа Мажидовнинг хабар беришича, ҳозиргача 1 миллион 500 минг сомонийлик қурилиш ишлари якунига етказилган.

Манбанинг маълум қилишича, мазкур бино уч қаватли бўлиб, 59та иш кабинети ва 48 ўриндиқли мажлислар залидан иборатдир. Қурилиш ишлари стандарт талабларига жавоб бера олади. Айни пайтда қурилиш ишларида 30 нафар қурувчилар банд бўлиб, қурилиш ишлари ҳажми ошган пайтда, яна 20 нафардан ортиқ қурувчилар ишга жалб қилинади.

Ўз мухбир.

НУҚТАИ НАЗАР

НАВБАТДАГИ МАНМАНЛИК

"Фергана.ру" ахборот агентлиги жорий йилнинг 4 апрелида мазкур сайтнинг бош муҳаррири Даниил Кисловнинг фаолияти тақиқланган ТИТП террорчилик ташкилоти раҳбари Муҳиддин Кабирий билан бўлган суҳбатини "Муҳиддин Кабирий - Интерпол, ТИТП фаолияти тўхтатилиши, генерал Назарзода ва мухолифатнинг хориждаги келажаги ҳақида" сарлавҳаси билан эълон қилди. Кабирий билан суҳбат скайп орқали амалга оширилган.

Суҳбат аввалида агентлик бош муҳаррири Д.Кислов Бош прокуратура вакили Шоҳин Талбакзоданинг баъзи бир нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан Тожикистоннинг ТИТПни террорчи ва экстремистик ташкилот, деб эътироф этишдаги ташаббусига бефарқлик қилаётганликларига қарата айтилган фикрини эслатиб, бир мунча ҳозирги Ҳукуматни танқид остига олган. Ҳақиқатдан ҳам, Шоҳин Талбакзоданинг гапида жон бор. Негаки, халқаро нуфузли ташкилотлар ташқаридан қараганда, ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ва диний-маҳзабий терроризм ва экстремизмга қарши аёвсиз курашувчилар, дея кўрсатиб, аслда эса, террорчи ва экстремист ташкилот ҳамда ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб (албатта, сиёсий, геосиёсий, иқтисодий ва молиявий манфаатларини инобатга олган ҳолда), уларнинг қоқ-ин вакиллари учун мамлакатдан ташқарида минбар ва энг муҳими, сиёсий бошпана берадилар. Шунга қўшимча тарзда, "Гуруҳи 24" ва ТИТП қочқинлари, жумладан, М.Кабирий ҳам Европа мамлакатларидан сиёсийбошпана олиб, мазкур гуруҳлар учун халқни қоғуний Ҳукуматга қарши курашишлари йўлида қулай шароитлар яратиб бередилар. Мана сизга европача, ғарбча демократия. Мана буни халқпарвар ва ҳақиқатгўйлик дейди, чунки бу ҳақда Европа ва Ғарб сиёсати доимий равишда гапириб келади. Энди қаранг, Бош прокуратура вакили Ш.Талбакзода гапининг қаерида хато бор? Асл хато ҳамиша терроризм ва экстремизмни "аср вабоси" дейдиган, аслида эса, уларни очиқ ва четдан қўллаб-қувватлайдиган ҳамда шу йўл билан икки стандартли сиёсат моделини олга қоғлан Шарқ жамиятларини қаерга бошлаши аниқ: ижтимоий муҳитда диний-маҳзабий ва умуман, жаҳолатни "илдиз оттиради" ва охир-оқибат, одамлар ҳаёти жаҳаннамга айланади. Бир томондан терроризм ва экстремизмни қоралаш ва бошқа томондан эса, сиёсий, иқтисодий, маданий ва молиявий жиҳатдан террорчи ва экстремистик ташкилотлар ақидалари, жумладан, ТИТП ва хусусан, унинг қочқин раҳбари М.Кабирийни қўллаб-қувватлашлари Европанинг нуфузли ташкилотлари "ҳомийларининг" бу режалар (ТИТП назарда тутилмоқда) орқали ўзларининг парда ортидаги ўйинларида кенг фойдаланишларининг ёрқин мисолидир. Кечирасиз-у, наҳзатчи айбдор ва гуноҳкорларнинг ошкора қўллаб-қувватланаётгани ва ёки улар учун сиёсий мафкурага қарши курашишлари мақсадида "дастурхонлар ёзилаётган" бир пайтда Ҳукумат нима қилмоғи керак? Бу борада жимгина ўтириб, наҳзатчилар найрангини томоша қилсинми? Тўғриси, илм ва инсонга кайҳон сўзлашаётган йигирма бир биринчи асрда ажнабийларга қарши бегонапарастлик ақидаларига асосланган мафкурасини ҳимоя қилишнинг ўзи уят. Яна кимлар томонидан денг, башарият илм-фани жиловдорлари бўлган Европа томонидан.

Шу ердан маълумки, иккиламчи сиёсат ўйинчилари нима хоҳласа қилишар экану, нега Тожикистон Ҳукумати ва давлати уларга қарши эътироз ва жавоб йўлламаслиги керак? Албатта, бунга қаршилик ва жавоб бўлади, агар наҳзат режими тарафдорлари (хоҳ ичкарида бўлсин, хоҳ ташқарида) ошкор этилмас экан, минтақада бошқа тўқнашувлар вужудга келиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунинг учун ҳам, давлат ва ҳукумат бугун кўпроқ маҳаллий ва хорижий мустақил агентликлар томонидан нашр этилаётган найрангларнинг ўз вақтида олдини олиши ва ахборот ҳамда сиёсий-мафкуравий ҳужумларга қарши устувор туриши керак.

Энди эса, М.Кабирийнинг "Фергана.ру" агентлиги бош муҳаррири саволларига берган жавобларига биз ҳам қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Европа мамлакатидан сиёсий бошпана олганлиги ҳақидаги саволга тожик муҳожирларига яқин бўлиш учун қайсидир мамлакат танланганини айтган. Кабирийнинг сиёсий мақсади тожик муҳожирлари ва энг асосийси мутимоий муҳитида унга жой беради. Кабирий кимнинг қўллаб-қувватлаши асосида минбар топиб, ёлғон гапираётганлигини суҳбат охиригача сир сақлади. Бироқ кун келиб, бу ўйинчилар ва сиёсат саҳнасидаги дастурловчилар парда ортидан бир-бир ўзларини фош этишлари аниқ. Шу билан бирга, Кабирийнинг бирор-бир қўрқувсиз гапираётгани унинг кимларнингдир қўллаб-қувватловида эканлигини кўрсатади.

Суҳбат жараёнида кўтарилган бошқа масала, бу ТИТПнинг террорчи партия, деб эълон қилингани ва шунга боғлиқ мавзу бўлди. Кабирий бу масалада ҳам ёлғон гапириб, ўзини беозор кўра-била туриб, Европа демократиясидан фойдаланиб, дунёвийлик тузумига қарши четдан курашмоқда. Афсуслар бўлсинким, манфаатли халқаро ташкилотлар наҳзат режаларини минтақада ўзларининг стратегик мақсадларини амалга ошириш йўлида ишлатадилар.

Кабирий Европада ўз ўрнига эга бўлиш ва партияси тарафдорлари ҳамда сармоядорларини ишонтириш учун чексиз сайъ-ҳаракат қилмоқда. Бу амали билан иккита манфаатни қўлга киритиш мумкин: биринчиси, Европа элитаси орасида ўзига хос ўрин эгаллайди (Кабирийга хос бўлган тил билишлиги ва ўзини кўрсатиш орқали) ва Европа мамлакатларини айланиб, ҳам маблағ тўплайди ва ҳам ўзига хос маҳбубият топади. Иккинчидан, Тожикистон Ҳукумати ва давлатига қарши хиёнаткорона амаллари учун замина яратиб, жаҳон ҳамжамиятини бизнинг мамлакатимиз дунёвий тузумига қарши қўяди. Бу йўл билан Европа маданий жамияти ва сиёсий элитасини ўз тарафига ағдириб, маҳаллий ва хорижий ахборот муҳитида наҳзатчиларнинг нуфузини ошириш борасида маблағларни кўпайтиришга уринади.

Генерал Назарзода билан Кабирийнинг алоқаси борлиги унинг бир неча йил аввалги суҳбатида ҳам кўрсатиб берилганди. Бу суҳбатда ҳам яна бир марта бу муносабатга тўхталган. Генерал Назарзода томонидан Кабирийни бўладиган воқеалардан хабардор этиш ва бу йўл орқали Назарзоданинг ахборот ва сирлар манбаси сифатида қўлланилгани Кабирийнинг у билан бевосита шерик эканлигини исботлайди. Кабирий бу саволлларга жавоб бериш аносида ўзининг конституцион ҳукуматта барҳам беришда бевосита "ҳиссаси" борлигини оммавий равишда фош этади. Наҳзатнинг ҳарбий ва сиёсий режалари амалга ошмаганидан сўнг, хорижда ўзини оқлаб, хорижлик хожаларининг умиди билан яшаши керак, ахир. Бундан кейин ҳам наҳзатни маблағлаштириш дастури ва минтақада сиёсий Исломни вужудга келтиришда давом этттириш учун ҳам бу нарсалар зарур. Умуман олганда, суҳбат наҳзат (Кабирий сиймосида) ўзини оқлаш меъёри асосида ва қарши томон (Тожикистон Ҳукумати)ни қоралаш мақсадида ишлаб чиқилган. Кабирий бу ишда катта тажрибага эга ва ёлғон гапириш, шиор ташлаш, фитна уйғотиш, дасисабозликдан бошқа иш келмайди унинг қўлидан. Бунга қўшимча ҳолда, унга бу иши учун катта маблағ ажратилади. Чунки Европада яшаш осон эмас. Кабирий молиявий жиҳатдан таъминланган, одамларни алдаб юриши лозим.

Суҳбат сўнгида Кабирий ҳозирги Ҳукумат Миллий ярашув комиссияси талабларига риоя этмаганлигини айтади. Биринчидан, Миллий ярашув комиссияси талаблари муайян бир давр - ярашув ва миллий келишув вужудга келишигача ишлаб чиқилган эди. Тинчлик ва барқарорлик ўрнатилганлиги билан у бекор бўлди. Иккинчидан, Комиссия талабларида наҳзат кўнгли нимани тусаса қилиши мумкин, деб ёзиб қўйилмаган эди. Учинчидан, наҳзатдан бошқа мухолифат ҳам бор эди. Улар эса, наҳзат томонидан четга суриб ташланди. Бу хатони наҳзат ва унинг раҳбарлари ҳеч қачон бўйинларига олмайдилар. Фақат ўзларини асосий лидер ва миллат "хизматида" деб кўрсатадилару холос. Наҳзатчиларнинг ёлғон шиори "Тожикистонни тараққиётга бошлайдиган наҳзатдан бошқа куч йўқ ва гуёки бу нажот йўлидир" бўлиб, бунинг асосида наҳзатчилар раҳбарлари Кабирий сиймосида ёлғон гапиришади ва гоҳ-гоҳида хориждан ўзлари дарак бериб қўйишади.

Кабирий ёлғонларига ишониш субутсизлик маъносини беради, чунки Кабирий ўзига хослиги йўқ шахсдир ва унинг шахсияти ёт ғоялар ҳамда одамларни алдаш сиёсатида кўринади. Кабирийнинг сиёсий риторикасида қўлланиладиган тил, маданият, миллат, миллий манфаатлар, демократия, ҳуқуқ устуворлиги, қонунчилик ва шунга ўхшаган сиёсий атамалар фақат одамларни алдаш ва бу йўл унинг миллий сиёсатга қайтиши ниятида қўлланилади.

Фаридун САИДИЙ.

Фан олами фидойилари

ҲАЁТНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

“Меҳнатнинг самарасини бир йилда кўрмоқчи бўлсанг-бугдой эк, ўн йилда кўрмоқчи бўлсанг – дарахт эк, қилаётган меҳнатим юз йилларга татисин десанг – илм ва тарбия билан шуғулланг”, - дейилган экан, Шарқ ҳикматларидан бирида.

Ҳа, инсоний тафаккур тарозисида бот-бот тортилиб, синаб кўрилган бу ҳикмат-айни ҳақиқат эканлиги ҳаётини илм йўлига бағишлаган зукко олим, маҳоратли педагог, камтарин инсон, иқтидорли олим, фалсафа фанлари номзоди, академик Б. Ғафуров номидаги Хўжанд Давлат университетининг Сиёсатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти Бегали Сатторовнинг ҳаёти мисолида ўз тасдиғини топади.

Бу иқтидорли олимнинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, уни ирмоққа қиёс қилгимиз келади. Ирмоқ тўқинлари ложки бўлса ўзанидан чиқиб ҳудудсиз кенгликларга ёйилиб кетгиси келади...

Бегали Сатторов – Тоҷикистон тизма тоғлари ён бағрида жойлашган кўҳна ва ҳамиша навқирон Шаҳристон ноҳиясининг сўлим Увоқ қишлоғида 1957 йил январ ойида дунёга келди.

Қишлоқдаги мактабда Ш. Алибеков, М. Ғойибназаров, Ж. Анарбоев, Н. Шерқўзиев, Ў. Кўчмуродов, А. Холжўраев, Ш. Шерназаров каби устозларнинг сабоқларидан сўнг, мўйсафид бўлиб қолган падари бузрукворинг ўрнига хўжалик экинзорларига қоровуллик қилди.

... Кўм-кўк ўт-ўланлар устига ёнбошлаб, не-не китобларини мутолаа қилмади?!

...Ҳар бир кишининг дунёда “идеал инсони”-яъни ҳамиша интилиб келган ёркин юлдузлари бўлади.

Ёш Бегали учун ёркин юлдузлар: маърифатга умрини бахшида этган, Бухорои Шариф мадрасасида узоқ йиллар толибларга сабоқ берган, буюк мутафаккир мулла Тўйчи яъни мулла Шамсиддин, Улуғ Ватан уруши йилларида Шаҳристон ноҳиясига раҳбарлик қилган Умар Сулаймонов, Хушвақт Бозорбоев, “Совет Тожикистони” (ҳозирги “Ҳалқ овози”) газетасининг ходими, журналист, ёзувчи Турон Тўйчиев сингари инсонлар бўлди...

...Ҳа, ҳалқимизнинг бир ҳикматли сўзи бор: - “Мақсадинг - йўлдошинг бўлсин”.

Орзу-ҳаваслар армия хизматидан сўнг, уни 1977 йил муқаддас дарғоҳ Ленинобод Давлат педагогика институтининг тарих-филология факултетининг сиртқи бўлимига етаклаб келди. Кўзлаган мақсадига етиш учун ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтиши, тиниб-тинчимаслик хислати уни погонама –погона олга етаклади. Устод-олимлар: тарих фанлари доктори, профессорлар: Ғ.Ҳайдаров, С. А. Абдуллаев, И. Искандаров, М. Аҳмедов, доцентлар: У. Жаҳонов, Д. Деҳқонов, К. Шоҳобиддинов, А., А. Бобокалонов, Ч. Гулбековлар, методист Набижон Сатторов, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳамид Пўлатов, иқтисод фанлари доктори, профессор Тўхта Жалилов, педагогика фанлари доктори, профессор Раҳим Ашуровлардан сабоқ олди...

Оддий қишлоқ йигити 1982 йил декабр ойида ЛДПИ тарих –филология факултети сиртқи бўлимини имтиёзли диплом билан тугатиб, Шаҳристон ноҳияси 4- ўрта умумтаълим мактабида тарих ва жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади.

Бегали Сатторов педагогик фаолиятидан ташқари ноҳияда биринчилардан бўлиб, мактабда “Таъриҳ-ўлкашунослик музейи”ни ташкил қилиб, қишлоқ ўтмиши, урф-одатлари, уруш ва меҳнат фахрийларидан доктори, профессор Ҳамиджон Пўлатов 1989 йилда уни ЛДПИ институтининг “Илмий коммунизм-”(ҳозирги академик Б. Ғафуров номли ХДУнинг “Сиёсатшунослик ва маданиятшунослик”) кафедрасида ишлай олмай қолгач, ҳозирги кунда Тоҷикистон давлат университетининг “Сиёсатшунослик музейи”ни ташкил қилиб, қишлоқ ўтмиши, урф-одатларини, ўзига хос ҳаётини ўрганишга киришган эди.

Ҳозирги кунда ўзликни англаб етишда бўлаётган туб демократик ўзгаришлар, ҳуқуқий-ҳуқуқий тарихимизнинг моҳиятини билиб олиш, синфлар, ижтимоий қатламлар орасидаги фарқли ўзгаришлар, кўп мулкчилик номзодлик рисоласининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Бегали Сатторовнинг илмий рисоласи 1996 йилда Душанбеда “Ирфон” нашриёти томонидан “Кўпмулкчилик шароитида жамият ижтимоий тузилишининг ўзгариши” номи билан ҳаммуаллифликда чоп этилган.

Ҳа, одамзод пайдо бўлибдики, нурга интилиб яшайди. Чунки нур ва орзу барча мақсадларнинг ушалиш ибтидоси, улуғвор ишларни амалга ошириш калитидир.

Бегали Сатторов 1997 йилда Тошкент Давлат университети фалсафа факултети қошидаги Ихтисослашган кенгаш қошида устози фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳамид Пўлатов раҳбарлигида биринчи бўлиб, “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамият ижтимоий тузилишининг ўзгариши” мавзусида номзодлик рисоласини муваффақият билан ҳимоя қилди.

Ҳа, оддий қишлоқ йигити, деҳқон оиласи фарзанди ибратли меҳнати фанга фидойилиги билан фаннинг нурли чўққиларини забт этмоқда.

Иқтидорли олимнинг ташкилотчилигини ҳисобга олган академик Б. Ғафуров номли ХДУ раҳбарияти Бегали Сатторовга катта ишонч билдириб, олийҳоҳнинг етакчи Сиёсатшунослик кафедраси мудирлигига тайинлашди.

Сиёсат-фан ва санъат сифатида мавзусига сидқидилдан ёндашган ҳолда, 40 йилдан буён талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Бегали Сатторовни оилада меҳрибон ота, маҳбаларига гамхўр ва ширинсўз, бахтли бобо, деса бўлади.

Шу ўринда устознинг умр йўлдоши Бибисара опанинг ўзи учун қилган хизматларига ҳам таҳсин айтиш жоиздир.

Чунки Бибисара опа домланинг қанчадан-қанча шодлигу – хурсандчилигига, ғаму ҳасратларига шерик бўлди.

Устоз Бегали Сатторовнинг катта ўғли - Ёқиншон фермер-деҳқон хўжалигини бошқариш билан бирга шу дарғоҳ 2 курс талабаси; иккинчи ўғли – Фазлиддин қишлоқдаги 4-ўрта умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси, учинчи ўғли - Хидирали шу дарғоҳнинг тарих ва ҳуқуқ факультетининг 5-курс талабаси, тўртинчи ўғли - Шоҳжаҳон Хўжанд шаҳридаги ихтисослашган лицейнинг 10-синф ўқувчисидир.

Киши ҳаётини олмоса қиёс қилиш мумкин. Сермазмун ўттан йиллар олмос қирраларидек жило беради.

Иқтидорли ва таниқли олим, Бегали Сатторовнинг қалб қўри ва покиза иймони ҳам эзгуликка лиммо-лимдир.

Азиз ва меҳрибон устоз!

Сизни барча ҳамкасбларингиз, шогирдларингиз, дўстларингиз ва оила аъзоларингиз номидан қутлуғ 60 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз!

Аслиддин ПЎЛОТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
Тўрақул РИЗОҚУЛОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
Равшан УСАНОВ,
академик Б. Ғафуров номли ХДУ Сиёсатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси мудири, доцент.
Илҳом УСМОНОВ,
Спитамен ноҳияси лицей директори.

СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

Мамлакатимизда

Футбол

БИРИНЧИ ЛИГА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Тожикистон футбол федерацияси (ТФФ)да футбол бўйича биринчи лига жамоалари ўртасида Тожикистон чемпионати ўйинлари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. ТФФдан хабар беришларича, бу йилги чемпионат икки босқичда ўтказилиб, унда 12та жамоа иштирок этади.

Шундай қилиб, янги футбол мавсумида биринчи лигада «Локомотив-Помир» (Душанбе), «Кўқтош» (Рўдакий), «Равшан» (Кўлоб), «Зарафшон» (Панжакент), «Вахдат» (Вахдат),

«Ҳулбук» (Восе), «Парвоз», «Сомон» (Данғара), «Эсхата» (Хўжанд), «ФК-83» (Душанбе), «Зарбдор» (Исфара) ва «Саройкамар» (Панж) жамоалари медаллар учун кураш олиб боради.

Қуръа ташлаш натижаларига кўра, апрел ойи ўрталарида ташкил этиладиган мусобақанинг биринчи босқичида қуйидаги жамоалар бир-бирлари билан кучи синашади:

«Локомотив-Помир» - «Саройкамар»,
«Кўқтош» - «Зарбдор»,
«Равшан» - «ФК-83»,
«Зарафшон» - «Эсхата»,
«Вахдат» - «Сомон»,
«Парвоз» - «Ҳулбук».

Дзюдо

ЖАҲОНГИР МАЖИДОВНИНГ ТУЛАДАГИ ҒАЛАБАСИ

Ҳамюртимиз, таниқли ёш дзюдочи Жаҳонгир Мажидов Россия Федерациясининг Тула шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги дзюдо бўйича Европа кубоги (Tula Cadet European Cup-2017) мусобақасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Жаҳонгир Мажидов тўрт учрашув ўтказди. Рақиблари Мансур Лорсанов, Размик Барави (иккаласи ҳам Россиядан) ва Избассар Ералиев (Қозоғистон)лар эди. Финал босқичида грузиялик Гоча Гваҳцианни мағлубиятга учратиб, олтин медали қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳонгир Мажидов 81 килограмм вазн тоифасида 282 очко билан ўсмирлар ўртасида дунё рейтингида биринчи ўринни эгаллайди.

Мазкур мусобақада, шунингдек, Тожикистон ҳайъатидан Муҳаммадсино Баҳодурзода (55 кг), Фаррух Файзализода (55 кг), Сафарғаний Қурбонбеков (60 кг), Сирожиддин Бобоев (60 кг), Абдулло Неъматов (66 кг), Жамолиддин Абдуллоев (66 кг), Суруш Тавакалов (66 кг), Хушвахт Идиев (81 кг), Меҳроб Тағоймуродов (81 кг) ва Маъсуд Мунавваров (90 кг)лар иштирок этишди.

Олдинда ўсмир дзюдочиларимизни 13-14 май кунлари Ўзбекистоннинг Чирчиқ шаҳридаги мусобақа ҳамда 15-16 июл кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтадиган Осиё чемпионати кутмоқда.

Жаҳонда

Бокс

ПАКЯО ВА ХОРН РИНГГА КЎРАТИЛИШАДИ

Ярим ўрта вазн тоифасининг WBO(Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти) чемпионлик камари соҳиби филиппинлик Мэнни Пакяо ўзининг навбатдаги жангини 2 июл куни австралиялик Жефф Хорнга қарши ўтказади.

Жанг «яшил қитъа»нинг Брисбен шаҳрида ташкил этилади. Аввалроқ Пакяонинг ўзи 23 апрел куни британиялик Амир Хан билан Бирлашган Араб Амирликларида учрашишни истаётганини маълум қилган эди. Март ойида эса, бу жанг ташкил қилинмаслиги маълум бўлди.

Пакяо профессионал рингда 59 ғалаба (38 - нокаут), 6 мағлубият ва 2 дуранг қайд этган бўлса, Хорн 16 ғалаба (11 - нокаут) ва 1 дуранг натижага эга.

Эркин кураш

ТАЙМАЗОВ МЕДАЛИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Халқаро Олимпия қўмитаси эркин курашчи Артур Таймазовнинг 2008 йилда Пекин Олимпиадасида қўлга киритган олтин медалини олиб қўйди.

Маълум бўлишича, допинг пробалари қайта текшириб кўрилган спортчилар ичида Таймазов ҳам бўлган ва ундан таъқиқланган модда топилган.

Эслатиб ўтамиз, Артур Таймазов ўша йили +120 кг вазн тоифасида жангларда иштирок этган ва олтин медал соҳибига айланган эди.

«Формула-1»

ҲЭМИЛТОН ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

«Формула-1» бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этувчи «Mercedes Benz» жамоасининг британиялик пилоти Люис



Хэмилтон мавсумнинг иккинчи босқичи бўлмиш Хитой Гран-присида ғолиб чиқди.

Иккинчи бўлиб маррага «Ferrari» жамоаси етакчиси Себастян Феттел етиб келди. «Red Bull» вакили, нидерландиялик Макс Ферстаппен учинчи бўлди.

«Формула-1» пойгаларининг учинчи босқичи 14-16 апрел кунларида Баҳрайнда бўлиб ўтади.

«Ҳалқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.

Очерк

Сенинг фарзандларинг, Тожикистон!

КОМИЛЖОН - КОМИЛ ИНСОН

«Янгиобод» каналида сув сатҳи пасайиб кетганлигига кўзи тушган Комилжон Хўжаёровнинг кўнгли ғаш кетарди. Ва шу заҳоти шошилинч идорага қайтмоқда уринди, машинага ўтирди. Хонасига киргач, бош агроном билан телефонда боғланмоқчи эди, эшикдан мироб Тошмуҳаммад Норқувватов кириб келди.

-Хўш, вазият қалай, мироб?! - деди раис жиддий оҳангда.

-Тоғ этаги бригада далаларида сувнинг етишмаслик ҳолати сезилаяпти. Каналнинг сув сатҳи пасайган, сўнгги насосни ҳам тўхтатдик...- деди мироб саросималаниб.

Раис ўйланиб қолди. - «Канал бошида Ғаровўти каскадининг ўн иккита насоси ўрнатилган, барчаси ишга туширилса, ҳолимизга вой - канал суви қуриёди. Ғаровўти массиви кенг, унча-мунча сув экинларни суғориш тугул намлашга ҳам етмайди. Хайрият, дарё соҳилида насос ўрнатдик, шундай кунда асқотади».

-Дарё соҳилидаги насосни ишга тушириш лозим. Ҳаво иссиқ, бугун қирқ икки даражага кўтарилади. Ғўзалар гуллаётган, гулдан шонага айланаётган палла. Ҳосил тугунчаларига рутубат етиб догда қолмайлик, - дея раис тезкор тошпиригини мироб елкасига юклар экан, мобил телефонида рақам тера бошлади...

Дарвоқе, Дўстий ноҳиясидаги Эшбек Сатторов номли кооператив ишлаб чиқариш деҳқон хўжалиги раиси Комилжон Хўжаёров ҳақида қишлоқ оқсоқолларидан ҳам илиқ гапларни эшитдик. Бирида кекса деҳқон, 87 яшар Хушбоқ бобо Шоқамбаров шундай деган эди: -Раиснинг отаси Намозжон (Худо раҳмат қилсин) кўп яхши одам эди. У Шўролар даврида колхоз раисига шофёрлик қилди, ҳеч «манман»ликка бормасди. Машина бошқара туриб, йўл чеккасида турган ёшу кексага бош эгиб, саломлашган ишорасида ўтиб кетарди. Улов кутиб турган аёл ё эркак бўлса, «вилис»га ўтиргизарди-ю, манзилига эптиб қўярди. Бўш вақти эса, қўлидан латтаси тушмасди, идора ёнида «вилис»ни ювар, артар, чиннидек ялтиратиб қўяр эди. Унинг учун бу юмуш кундалик «хобби»га айланган эди. Комилжон шу ҳалим инсоннинг фарзанди. У раис бўлиб узоқни кўзлади, дарёдан сув узатувчи насос ўрнатиб, савобли ишга қўл урди.

К. Хўжаёров ҳақида илиқ гаплар кўп айтилади. У доимо эл билан ҳамнафас, халқнинг қувончига шерик, қайғули дамларида ҳамдард инсон. Уни хўжалик аҳли ёшлигидан танийди. 1988 йили Самарқанд Қишлоқ хўжалик олийгоҳининг чорвачиликинженерлик куллиётини тамомлаб келганида, Комилжонга колхоз комсомол қўмийилга келиб номдор хўжаликнинг, айниқса, пахтачилик соҳасида ютуқлар кўрсаткичи мақтова арзимай қолди. Бу ғал ноҳия ҳукумати раҳбарлари чеккадан раис тайинлашга чек қўйиб, эл орасидан изладилар. Халқ фикри инобатга олиниб, хўжалик раислигига лаёқатли инсон Комилжон Хўжаёров тайинланди.

Раислик вазифасини зиммасига олган кун Комилжон етакчи кадрларни машинасига олиб, хўжалик ҳудудини айланиб чиқди. Қаерда камчилик мавжуд бўлса, ён дафтарига қайд этиб бораверди. Баъзи жойларда тўхтаб халқ билан суҳбат уюштирди, мулоқот давомида қишлоқ одамлари томорқа ерни суғориш муаммосидан нолиган бўлдилар. Ўшанда у элга ётиги билан тушунтирди. Нафақат томорқа, хўжаликнинг 45 гектари ери йигирма йилдан бўён қақраб, ташландиқ ҳолатига тушиб, янтоқ босиб кетганлигидан ачинди. Сўнгра 2011 йил бошида тоғ этаги қишлоғида уч-тўрт метр чуқурликда оқадиган зовурнинг қоқа сувидан фойдаланиш фикри пайдо бўлди. Раис, аввало, битта трансформатор, сув узатишга мослаштирилган двигател ва икки километрдан ортиқ узунлика чўзиладиган пластмасса қувурлар хариди ҳисоб-китобини олди. Бу иш мутахассис усталар меҳнати билан ҳал этиладигани бўлди. 45 гектарлик бўш ётган майдоннинг адоқ қисмида қурилган насос кўтарма қувурлар орқали майдоннинг бош қисмига сув узатиб берди. Бу сувдан аҳоли ҳам томорқа экинларини суғориш орасида фойдаларини доктори, профессор Ҳамиджон Пўлатов 1989 йилда уни ЛДПИ институтининг “Илмий коммунизм-”(ҳозирги академик Б. Ғафуров номли ХДУнинг “Сиёсатшунослик ва маданиятшунослик”) кафедрасида ишлай олмай қолгач, ҳозирги кунда Тоҷикистон давлат университетининг “Сиёсатшунослик музейи”ни ташкил қилиб, қишлоқ ўтмиши, урф-одатлари, уруш ва меҳнат фахрийларидан иборат ўзига хос ҳаётини ўрганишга киришган эди.

-Эҳ, - дейди томорқасига сув ҳайдаган Мансур Сафаров ўшанда оғзи қулоғига етиб, - раисга гап йўқ. Хўжалик ташвишини, халқ ғамини ўйлаган инсон экан. Энди бизга помидору сабзи, пиёзни бозордан харид қилишга эҳтиёж қолмайди.

Комилжон чорвачилик ва деҳқончиликни тушунадиган раҳбар. У бошқараётган кооператив ишлаб чиқариш деҳқон хўжалиги аъзолари яқин 390 гектар ерга чигит экиб, Тожикистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик санаси нишонланган йилда қабул пунктига 1300 тонна пахта топширдилар. Бу ютуқда ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 33-35 центнерданга етказган Тоғаймурод Менглиев, Намоз Зулфиқоров, Баҳодир Эшмирзоев бошлиқ бригадалар аъзоларининг меҳнати таҳсинга лойиқдир. Ипак қурти боқиш даврида эса, хўжалик пиллачиларининг меҳнати янада юксак мартабага кўтарилди. Хўжалик 3400 килограмм ипак тола топшириб, ноҳия пиллачилари орасида номдорлигича қоланди. Мазкур хўжалик деҳқонларининг меҳнат натижаларини пишиқчилик палласида ён-атроф, вилоят, пойтахт бозорлари растларида сотилаётган сабзи, пиёз, картошка, карам, бодринг, гулкарам, қовун-тарвуз ҳандаланки кўриб қувонади, киши. Комилжон раис деҳқон меҳнатини қадрлайди. Унинг ўзи деҳқонлар орасида улғайди, бу соҳанинг сирларини тушуниб, англаб етди. Деҳқонларга фойдали маслаҳатлар бериб, эл олдида юқори мартабага эришган. Раис, хўжаликда деҳқонларнинг ижара меҳнатига ҳам кенг йўл очиб берди. Ижара усулида меҳнат қилгувчи деҳқонлар хўжалик билан келишилган шартнома ижросини бажариб, ўзлари мўмай даромад соҳиби бўлишмоқда. Раиснинг ззгу истаги ҳалол меҳнатдан олинаётган даромад ҳисобига аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб бориши билан чамбарчас боғланган. Мисол тариқасида Эргаш Сатторовни назарда тутсак, унинг ижара даласига пишиқчилик даврида қадам ранжида этсангиз, пушталарда сотувга тайёр сабзи, қизилча, карам ва гулкарамни учратиб, ҳайрону лол қоласиз.

Уч ўғил ва бир қизнинг падари бузруквори Комилжон оилада ҳам раҳбар, умр йўлдоши – муаллима Гулсара билан фарзандлари камолотини ўйлаб яшайди. Тўғриси ўғли Шавкатжон айни пайтда Душанбе шаҳрида, у тиббиёт олийгоҳини битирган, касб юзасидан малака оширмоқда. Шоқаноза - муаллима, Зокир - Россия ўлкасида, Шерали «Ботир» деҳқон хўжалигини бошқармоқда. Унинг хўжалигига 14 гектар ер ажратилган. Ўн гектардан териб олинган пахта қосилдорлигининг ўзи яқин ўттиз центнерданни ташкил этди. Қолган тўрт гектар ерга эса сабзи, карам ва бошқа экинлар экилган.

...Туш пайти. Хонада ёлғиз қолган Комилжон Хўжаёров чеккалари қўшияли безаклар билан жилоланган ойнали рамкани қўлига олди-ю, ундаги суратга узоқ тикилиб ўтирди. Бу сурат республика пахтачилик академиги, икки марта меҳнат қаҳрамони Абдуғафур ота Самадовники эди. Куни кеча мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан Комилжонга отахон номидаги «Пахтакори беҳтарин» медали топширилди. У суратга тикилиб тураркан, кутилмаганда қаяжонга берилди ва ўзи билмаган ҳолда гапга кирди: - «Отахон, олтинга тенг ўгитингиз бизни тўғри, равон йўлга бошламоқда», - деди-ю, ўрнидан туриб, орқа томондаги деворга юзланди. Бу томонда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмоннинг портрети турарди. Энди у каттакон суратга тикилиб, ички бир туғён таъсирида пичирлаб сўзлай бошлади: - «Тожикистон халқи Пешвосисиз, сиз бошлаган йўл тинчлик, тотувлик, ватандўстлик гулчамбарига бурканган, биз ўзаро дўст турли халқ кишилари юрт келажаги меҳнатига камарбастамиз».

Ҳа, Комилжон Хўжаёров юрт фидойиси, у турли халқ кишиларига бағрикенг, одамийлик оламида ибрат бўла оладиган комил инсон.

Илмқул ЭШМУРОДОВ,
Дўстий ноҳияси.

РЕДАКЦИЯДАН: **мақола чопга тайёрланаётган пайтда қаҳрамонимиз Комилжон Хўжаёровнинг янада масъулроқ вазифага тайинланганлиги ҳақида хабар олдик. У кишини янги вазифа билан табриклаб, элу юрт ободлиги борасидаги хизматларида куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз.**

АҚШ

Сурияга қўшинлар юбориш таклифи

АҚШнинг Жанубий Каролина штатидан сенатор Линдси Грэм Сурияга террорчилик билан курашиш учун яна 6 минг ҳарбий юборишни таклиф қилди.

Грэм бу кучлар Сурияга Башар Асад тузумига қарши курашиш учун эмас, балки ИШИД билан курашиш учун талаб қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сенаторнинг айтишича, Асадни агдариш билан америкалик ҳарбийлар ва инструкторлар томондан ёрдам берилаётган ўртамиёна мухолифат, деб аталувчи гуруҳлар шуғулланиши керак.

Айни вақтда Сурияда 500, қўшни Ироқда эса, 5 минг америкалик ҳарбий жойлаштирилган.

Швеция

Айбига иқрор бўлган террорчи

«Expressen» швед газетаси 9 апрел кечки пайт ўз манбаларига таяниб, Стокголмдаги террорчилик амалиётини содир этишда ўтмишда олинган, Ўзбекистоннинг 39 ёшли фуқароси Раҳмат Оқилов айбини тан олувчи кўрсатмалар берганини маълум қилди.

- «Expressen» маълумотларига кўра, Раҳмат Оқилов сўроқ пайтида қилган ишидан мамнун эканлигини айтган. Бундан ташқари, у эришмоқчи бўлган нарсасига эришганини таъкидлаган. «Expressen»нинг маълум қилишича, Оқилов Дроттнингтатандаги юк машинасини бошқарганини тан олган, - деб ёзади нашр.

Стокголм полициясининг террорчилик амалиётини содир этишда гумон қилиб, 2 кишини ҳибсга олди. Иккинчи гумонланувчи 9 апрел эрталаб ушланган. У ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

7 апрел кундузи юк машинаси ҳайдовчиси Дроттнинггатан

Нашр берган маълумотлар расман тасдиқланмаган. Швеция Ички ишлар вазирлиги ҳибсга олинган шахснинг исмини айтмаяпти. Бироқ Стокголмдаги матбуот-анжуманида полиция вакили гумонланувчи 2014 йилда Швецияда яшашга рухсат олишни сўраганини айтган. 2016 йилда унга рад жавоби берилган. Февралда Швеция миграция хизмати Оқилов ишини уни мамлакатдан чиқариб юбориш учун полициядан тошмирган ва шундан кейин у қидирувда бўлган.

кўчасида одамларни босиб кетган. У 550 метр юриб ўтиб, «Ahlens» савдо маркази биносига урилган. Аниқланишича, машина ундан юк тушириладиганда, ўгирлаб кетилган. Ҳужум оқибатида 4 киши ҳалок бўлган, 15 киши жароҳат олган.

Туркия

Россиянинг Сурияга нисбатан мавқеидан норозилик

Туркия Ташқи ишлар вазири Мавлут Човушўғли Москва Сурия яроштирув битими бузилиши муносабати билан зарур қарорлар қабул қилмаётганини айтди. Бу ҳақда «Новости» РИАда маълум қилинди.

Човушўғлининг айтишича, у бу ҳақда Россия ТИВ раҳбари Сергей Лавровга айтган.

- «Туркия аввалгидек Сурияда ўқ узиш бас қилиниши тарафдори, бироқ Россия Башар Асад мамлакат етакчиси лавозимида қолиши кераклигига оид таъкидини тўхтатиши керак», - деди Туркия ТИВ раҳбари «TRT» телеканали эфирида.

Сурия

Башар АСАД:

АҚШ ўз мақсадига эриша олмайди

Сурия Президенти Башар Асад Эрон Президенти Ҳасан Руҳоний билан телефон орқали мулоқот ўтказди. «SANA» хабарига кўра, бу мулоқот эронликлар томони ташаббуси билан ташкил қилинган.

Асад суҳбат давомида америкаликлар авиазарбалар орқали ўз мақсадларига эриша олмаслигини айтиб ўтган. Унинг сўзларига кўра, АҚШ бу ҳужум орқали Суриядаги жангариларнинг руҳини кўтарди.

Руҳоний эса, терроризмга қарши курашда Дамашқ билан ҳамкорлик давом эттирилишини маълум қилган. У АҚШ Сурия авиабазасига зарба бериш орқали мамлакат суверенитетини халқаро қонунчилик тамойилларини қўпол равишда бузгани ҳақида фикр билдирган.

Миср

Черковлардаги портлашлар

Мисрдаги копт насронийлари қатнайдиган черковларда худкушлар томонидан амалга оширилган иккита террорчилик амалиёти оқибатида 44 киши ҳалок бўлди, 100 киши жароҳат олди. Бундай маълумотлар-

ни Миср Соғлиқни сақлаш вазирлиги келтириб ўтди. Охирги маълумотларга кўра, Танта шаҳрида 31 киши, Искандарияда эса, 13 киши ҳалок бўлган.

Палма якшанбасида (насронийларда пасхадан бир ҳафта олдинги шанба ва якшанба кунларида ўтказиладиган байрам) черковларда байрам ибодатига қўплаб диндорлар йиғилган бўлган. Искандариядаги Авлиё Марк черковида портлаш вақтида байрам ибодатини олиб бораётган копт патриархи Тавадрос II бўлган. Патриархга ҳеч нарса қилмаган.

Искандариядаги террорчилик амалиётида агар полициячи худкушни тўхтатмаганда, қурбонлар кўпроқ бўлиши мумкин эди. Полициячида нотаниш киши шубҳа уйғотган. Оқибатда портловчи қурилма черковга кираверишда портлаган. Полициячи ҳалок бўлган.

Тантада шаҳар масжиди ёнида аниқланган яна битта бомба зарарсизлантирилган.

Мисрда Танта ва Искандариядаги черковларда содир этилган портлашлар сабабли 3 кунлик мотам эълон қилинди. Бу ҳақда "Дот Маср" янгиликлар портали маълум қилди.

ИШИД террорчилик амалиётлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олди.

Осиё

Корея ярим оролига йўлланган зарбдор гуруҳ

АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари зарбдор гуруҳининг Тинч океани ҳудуди қисмидаги кемалар гуруҳи Корея ярим оролига юборилган. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги ҳарбий манбага асосланиб хабар берди.

Манбанинг айтишича, Сингапур яқинидаги қисмдан «Карл Винсон» авиаташувчиси етакчилигидаги зарбдор гуруҳ Корея ярим ороли томон йўл олган.

Бундай чоралар АҚШ Шимолий Корея ҳарбий салоҳиятини ошираётганидан ташвишда эканлиги билан изоҳланмоқда.

Россия

АҚШнинг ҳаракатлари муҳокамада

Россия Президенти Владимир Путин Эрон раҳбари Ҳасан Руҳоний билан телефон орқали мулоқот ўтказди. Бу ҳақда Кремл сайтида маълум қилинган.

- «Томонлар Сурия масаласида фикрлар алмашишди. Икки томон ҳам АҚШнинг ҳаракатини суверен давлатга тажовуз сифатида баҳолашди ва бу халқаро ҳуқуқ нормалари бузилиши эканини қайд этишди», - дейилган хабарда.

4 апрел куни Суриянинг Идлиб вилоятида кимёвий ҳужум амалга оширилди ва унинг оқибатида 80 киши ҳалок бўлди.

Ушбу ҳужум учун жавобгарликни расмий Вашингтон Асад режими зиммасига юклади. 7 апрел куни АҚШ Қуролли кучлари Сурияннинг Шайрат аэродромига «Томагавк» русумли қанотли ракеталарини йўллади.

Москва томони ушбу ҳужумни «тажовуз акти», дея баҳолаи ва АҚШ билан Сурияда кўзда тутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш ҳақидаги меморандум амалга бўлишини тўхтатди. Эрон бу ҳужумни қоралаган иккинчи давлат бўлди.

Эрон

Европа хатосини Америка такрорламоқда

Сурияга берилган ракета зарбаси АҚШнинг навбатдаги стратегик хатоси бўлди. Бу ҳақда Эрон раҳбари ва диний раҳнамоси оятуллоҳ Али Ҳаменеий Эрон қуролли кучлари вакиллари билан учрашувда айтди.

- Америкаликлар қилган иш уларнинг навбатдаги стратегик хатосидир. Улар бу хатоларни такрорлашни тўхтатмаяптилар. АҚШнинг собиқ раҳбарлари ИШИДни яратдилар, сўнгра унга ёрдам бердилар. Ҳозирги америкалик расмий шахслар ИШИД ва унга ўхшаш гуруҳларнинг кучайишига кўмак бермоқдалар, - деб айтди Эрон етакчиси.

Ҳаменеийнинг айтишича, яқин орада «бу гуруҳлар америкаликларнинг ўзининг ёқасидан олади».

- Европа экстремизмнинг кучайишига олиб келган хатолар учун ҳақ тўламоқда. Одамлар ўзини на уйида, на кўчада хавфсиз ҳис қилмаяпти. АҚШ бир хил хатоларни қайтармоқда, - деб айтди Ҳаменеий.

Буркина-Фасо

Самолётда туғилган чақалоқ

Келиб чиқиши африкалик бўлган Франция фуқароси Диаби Нафи «Конакри-Уагадугу-Истанбул» рейсини амалга ошираётган «Turkish Airlines» авиакомпанияси бортида қиз фарзандини дунёга келтиришга кўмаклашишди.

Самолёт Буркина-Фасо пойтахти Уагадугуда кўнганидан сўнг, йўловчи аёл ва унинг фарзанди шифохонага етказилган. Она ва боланинг аҳволи яхши.

Парвоз вақтида аёлни тўлғоқ тутиб қолган. «Turkish Airlines»нинг махсус ўқув машғулотларини ўтаган борт кузатувчилари 13 минг метр баландликда аёлнинг фарзандини дунёга келтиришга ёрдамлашган. Экипаж аъзолари эсдалик учун янги туғилган қизалоқ билан суратга тушишди.

Мексика

Бедарак йўқолганлар

Мексикада асосан жиноий гуруҳлар ҳаракатлари оқибатида бедарак йўқолганлар сони 2016 йил охирига келиб деярли 30 минг кишини ташкил қилди. Бу ҳақда Мексиканинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияси маълум қилди.

2013 йил охирида бу кўрсаткич 26 минг кишини ташкил қилганди.

- «Ўғирланганлар ёки бедарак йўқолганларнинг миллий рўйхатида 2016 йил октябр ҳолатига кўра, 29,9 минг ҳолат маълум қилинган. Улардан 82,71 фоизи 11 штатга тўғри келмоқда», - дейилган комиссиянинг «Твиттер»даги хабарида.

Одамларнинг энг кўп миқдорда бедарак йўқолиши Тамаулипас штатида қайд қилинган. Бу штат АҚШга яқинлиги сабабли, зўравонлик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Ҳозирда бу штатда 5,5 мингдан кўпроқ одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Одамлар йўқолиши бўйича 2 ва 3-ўринни Мехико (2,9 мингдан кўпроқ) ва Халиско (2,5 мингдан кўпроқ) штатлари эгалламоқда.

Комиссия, шунингдек, охирги 10 йил ичида мамлакатда 855та яширин қабр аниқлангани ва у ердан 1,5 минг кишининг суяклари чиқариб олинганини маълум қилди. Жасадлардан 800 нафарининг кимга тегишли экани аниқланган.

Хиндистон

Маймунлар билан яшаган «маугли-қиз»

- «Ҳиндистон полицияси ўрмонда маймунлар билан яшаган қизнинг шахсини аниқлашга ҳаракат қилмоқда», - деб хабар бермоқда "Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги.

Ахборот агентлиги маълумотларига кўра, қутқарувчилар

10-12 ёшли озиб-тўзиб кетган қизни январда Ҳиндистон шимолидаги ўрмондан топишган. Қиз ўзини ҳайвонлардек тутган: эмаклаб юрган, кийим-кечакси бўлган ва ердан овқат еган. Қизча, шунингдек, сўзлашишни ҳам билмаган. Қутқарувчилар қизни ўрмондан олиб кетаётганларида, уларга маймунлар галаси ҳужум қилган.

Ҳозир қизча шифохонада қолмоқда. Полиция унинг отаонаси кимлигини ва у қандай қилиб ўрмонга бир ўзи тушиб қолганини аниқлашмоқда.

Хиндистон

Телебошловчи учун мусибатли янгилик

Ҳиндистондаги «IBC24» телеканали сухандони Суприт Каур ўз турмуш ўртоғи ўлимига сабабчи бўлган ИТҲ ҳақидаги янгиликни ўқиди. Бу ҳақда «The Times of India» нашри хабар тарқатди.



У янгиликларни ўқиётганида, лентада 3 кишининг ўлимига сабаб бўлиб, 2 киши жароҳатланган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида маълумот келиб тушади. Канал мухбири воқеа жойидан хабар берганди.

Нашрнинг ёзишича, бошловчи бу ўз турмуш ўртоғи сафарга йўл олган автомобил эканини англайди, лекин ўзини тутиб туради ва ишини охирига қадар давом эттиради.

Эфир тугагач, Каур студиядан чиқади ва мухбирга телефон қилади. Шунда у ўз турмуш ўртоғининг вафот этгани ҳақида аниқ билади ва ўзини йўқотади.

- «Бу ҳар қандай инсон учун дахшатли ҳодиса. Аммо Суприт ўзини тута олди ва ишига содиқлигини кўрсатди. Биз у билан фахрланамиз», - деган канал ходимларидан бири.

Каур ва Харсад Каваде бундан бир йил олдин турмуш қуришган эди.

Шимолий Корея

Етакчини йўқ қилиш таклифи

АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши АҚШ Президенти Доналд Трампга Шимолий Корея сиёсатига таъсир ўтказиш варианти сифатида Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ўнни йўқотиш ва Жанубий Кореяда ядровий қурол жойлаштиришни таклиф қилди. Бу разведка хизматларидаги манбадан маълум бўлди.

Пхенян сиёсатини тезкорлик билан қайта кўриб чиқиш режаси Трампнинг Хитой етакчиси Си Цзинпин билан учрашувидан олдин тайёрланган.



- «Вашингтонда Пекин Шимолий Корея сиёсатига дипломатия ва санкциялардан кўра қўпроқ таъсир кўрсата олишига умид қилинмоқда. Бироқ агар Шимолий Кореяда ядровий синовлар давом этаверса, АҚШ кескин чораларга бориши мумкин», - деб маълум қилди «NBC» телеканали.

Телеканалнинг юқоридаги гояларни муҳокама қилишда иштирок этган манбаси «бу таклифдан» ҳайратда эмаслигини, Жанубий Кореяда ядровий қуролнинг жойлаштирилиши эса, АҚШ учун салбий оқибатларга айланиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

- Мен бу яхши гоя, деб ўйламайман. Фикримча, бу Пхенянни янада газаблантиради, - деб айтган НАТОнинг Европадаги Бирлашган қуролли кучларининг собиқ Олий Бош қўмондони Жеймс Ставридис.

Хитой

Осиёдаги энг йирик марганец рудаси кони

Хитойнинг жанубидаги Гуйчжоу вилоятида Осиёдаги энг йирик марганец рудаси кони топилди. Бу ҳақда «Синхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Захиралари 203 миллион тоннага баҳоланаётган кон Тунжан округининг Сунтао-Мяо мухтор уезди тоғларида жойлашган. Топилган захиралар умумий қиймати 100 миллиард юан (14,5 миллиард доллар)ни ташкил қилади.



Хитой дунёдаги марганец рудаси ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи энг йирик давлат ҳисобланади. Марганец рудаси галванк элементлар ва яни магнит материалларни тайёрлашда қўлланади. Хитойлик геологлар томонидан охирги бир неча йил ичида Гуйчжоу вилоятида бу фойдали қазилманинг умумий захиралари 600 миллион тоннани ташкил қилувчи 4та йирик кони топилган.

- «Бу янги конларнинг захиралари Хитойда разведка қилинган ва исботланган марганец рудаси захиралорининг 60 фоизга яқинини ташкил қилади. Бу Хитойнинг ушбу моддани импорт қилишини анча камайтиради ва саноатнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлади», - деб айтган геолог ва Хитой Муҳандислик академияси академиги Чэн Юйчуан.

АҚШ

Президентнинг невараси хитойча қўшиқ айтди

АҚШ Президенти Доналд Трампнинг невараси - 5 ёшли Арабелла Кушнер Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпинга хитой тилида қўшиқ куйлаб берди. Бу ҳақда унинг онаси Иванка Трамп «Твиттер»даги саҳифасида хабар берди.

- «Арабеллай ва Жозеф ҳамда уларнинг Президент Си Цзинпин ва Пэн Лиюан хонимнинг АҚШга расмий ташрифига атаб чиқиш қилишгани билан жуда фахрланаман», - дея ёзган Иванка.

Тадқиқот

Туғилишда мусулмонлар етакчи

- «Янги тадқиқот маълумотларига кўра, 2035 йилга бориб мусулмон оилаларида туғилган ғўдаклар сони насроний оилаларда туғилганлардан ошиб кетади»,-деб ёзади «Telegraph».

«Pew» тадқиқот маркази томонидан эълон қилинган натижаларга кўра, кейинги ўн йилликлар ичида Ислом динига эътиқод қилувчилар энг тез ўсаётган диний жамоага айланишади.

Қайд этилишича, узоқ йиллар мобайнида насроний-лар дунё аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этиб, жаҳондаги энг йирик диний гуруҳ номига эгалик қилиб келишаётган эди. Бу борада мусулмонлар иккинчи ўринда.

Тахминларга кўра, ўзини бирор бир диний жамоага тааллуқли эмас, деб ҳисобловчи инсонлар сони, кейинги ўн йилликлар ичида қисқара боради.

ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.

Асалдек асарлар армони

Хўжандлик филология фанлари номзоди, доцент Мунаввара Ойматованинг шоир Эркин Шукурга очиқ хат ёзиш баробарида адабиётга кириш ҳақидаги мулоҳазаларининг биринчи ва иккинчи мактуби мутолааси каминада шу битикни йўллашга туртки бўлди. Мунаввара синглимиз таъкидлаганидек, мустақиллик даврида «қўлбола» китоблар нашри кўпайиб кетди. Ўқувчи ўқиса, ўқимаса-да, китоблар чоп қилинаверади, ани тизгинлашга ҳеч кимда имкон йўқ. Баъзи китоблар ўқувчига маъновий озуқа бера оладими ё йўқ, бу ҳақда муаллифлар фикрлаб ҳам кўришмайди. Уларга китоби чоп этилса бас... Мунаввархон хўжандлик назм, насрнавислар ҳақида мулоҳаза юритиб, уларнинг айрим камчиликларини ошкора баён этибди ҳам. Яхшиси, Мунаввара, сизнинг очиқ хатингизга қўшилган ҳолда, камина ҳам ўлкамизнинг жанубий ҳудудида йилда бир-икки китоб битувчилар ҳақида мулоҳаза юритсам, албатта, сафингизга қўшилган бўламан.

Хатлонлик ўзбек ижодкорларнинг, гарчи, китобларини ўқиш насиб этмаган бўлса-да, айрим муаллифларнинг ижоди ҳақида газеталарда чоп этилган тақризни мутолаа қилиб тураман. Кўлоб минтақасидан бир ижодкорнинг китоби чопдан чиқибди. Муаллиф ўзи сингари ижодкор бир дўстига китобидан туҳфа этган экан. Шу китобни ўқиган дўсти танишининг ижод маҳсулига тақриз битибди. Тақризни газетада ўқидим, ҳеч бир қониқиш ҳосил этолмадим. Тақризчи дўстини қўкка кўтариб асарини Абдулла Қаҳҳор ижодига тенглаштириб қўйибди. Тан оламиз, Абдулла Қаҳҳор улкан адиб, такроранмас, чўнг истеъдод соҳиби эди. У жумлаларни сиқиқ ярата олгани боис таниқли эди. Энди тақризчилар ҳақида ўйласак, бир ижодкорнинг асари ҳақида фикр-мулоҳаза юрита олган таҳлилчининг шунга лойиқ истеъдоди бормикан? Йўқ, албатта, барчаси ёш ёзувчини «ҳажвий» гаплар тўқимасида Абдулла Қаҳҳор даражасига кўтаради-ю, шу билан ўз таҳлилига нуқта қўя қолади. Бир ёзувчининг кетма-кет чоп этилган икки китоби қўлимга тушиб қолди, ўқимадим, кўз югуртирдим, холос. Бу икки китобга бир киши муҳаррирлик қилган. Аммо муҳаррир бўлгувчининг ҳали биттаям китоби чоп этилмаган, шуниси аён, у газета муҳаррири. Дўппини олиб ўйлаб кўрадиган фурсат етди, аслида китоб муҳаррири истеъдодли бўлмоғи зарур, у мазкур тўплам савиясига жавобгар шахс. Унинг рухсати билан ганима китоб нашриёта топширилмоғи шарт. Ҳозир шунақа замон, муаллиф китоби чоп этилганидан, униси муҳаррирлигидаги китоб чиққанидан гоз юриш қилади.

Адабиётга кириш ҳақида мулоҳаза юритсак, аввало, қўлига қалам тутган ижодкор, у шоирлик ёхуд ёзувчилик даъвосида адабиёт майдонига тушадими, биринчи навбатда ҳаётни чуқур ўрганмоғи шарт, кейингиси: устозу шогирдлик анъанаси ҳиз этмоғида бўлмоғи керак. Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат, дейдилар. Асил ижодкор ўз ижодларидан қониқиш ҳис этмаса, ундан чинакам асар кутса арзийди. Бизда эса, қай бир қалам соҳибига дуч келсангиз, ўз битигидан мамнун гапиради, ўзини ўзи мақтовга солади. Халқимиз орасида айтиладиган «мақтангандан қоч», деган гапниям унутмасликлозим. Ижодкорнинг ҳаётни чуқур ўрганмоғи хусусида гап очдик. Сайфулла Қулаев борлиққа, бутун мавжудота мусаввирона кўз билан қарайди. Мусаввир нигоҳида у оқ-қорани тез ажрата олади, шу боис асарлари дилтортар. Ёзувчи Эшмўҳаммад ака Донохоновнинг ижодига назар ташласак, адиб асар қаҳрамонлари хислатини эпизодларда жонли талқин этиш истеъдодига эга. Эшмўҳаммад ака ён-атрофга файласуфона муносабатда бўлади, шу боис у яратган асарлар бадиий жиҳатидан пишиқ, ўлкамизда унинг асар яратиш услубини мактаб даражасига кўтарса арзийди.

Асалчилар суҳбатида бўлганмисиз, уларнинг кўпчилиги шундай мазмунда ҳикоя қилиб қолади:

-Кўриб турибсиз, ҳар бир қути-бир оила ҳисоб. Арилар боғу гулзорга, экинзорга учиб кетади. Ўзгуҳ учиб тотли гуллар болини олиб, шомга яқин ўз оиларига (қутидан адашмайди) қайтиб келади. Ҳар бир қути олдида оила бошлиги туради. Қайси бир ари ёқимсиз гул шарбатини шимган бўлса, қути инчикарисига киритилмайди. Оила бошлиги бадбўй, ёқимсиз гул ҳиди таралса, ўша арини изига қайтаради, ҳўмласа, ҳужумга ўтади.

Эътибор қаратинг, фикр юритинг, биз, ижодкорлар бол арилар ҳаётидан ибрат олсак бўлади-ку?! Арилар ҳаётида тартиб, қоидага амал қилиш мавжуд. Қўлига қалам тутиб адабиётга кириб келаётган шоир, ёзувчилар бол аридек бир оилага жам бўлса, майдонга ҳар жойдан эмасу дарвозадан кириб келса. Чўнг истеъдод соҳиблари дарвозада туриб ижодкорлар асарларининг сарасини сарага, пучагини пучакка ажратиб босмахоналарга йўлланма берса. Мабодо, шундай бўлса, ким элга маънур, болдек тотли, ким тахир асар яратаётгани маълум бўлиб қолади. Шундагина болдек ширин асар яратган ижодкор адабиёт дарагоҳига эмин-эркин кира олади. Бадиий адабиёт қоидаларига жавоб бера олмайдиган, тутуриқсиз гапсўзлардан иборат битиклар муаллифи кириш жойида, бадбўй ҳидли шарбат шимиган ари мисол орқага қайтирилади.

Қадрли Мунаввара, шоир Эркин Шукурга очиқ хат битишингизнинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда, ўз мулоҳазаларимни баён этдим. Ижодкорларнинг адабиётга кириб келиш ҳолатини сиз каби англаб, қайғура оладиганлар сафи ортса, эҳтимол, назмда, ҳам насрда ютуқлар қўпайган бўлар эди. Шундагина ўқувчи ижод аҳлидан ўқимишли, асалдек тотли асарлар кутиш имкониятига қолмас эди.

Имомқул ЭШМУРОДОВ,
Дўстий ноҳияси.

ҚАЛАМ ТУТИШ МАСЪУЛИЯТИ

- «Истеъдод ҳам масъулиятдир», - дейди Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи аъзоси, таниқли шоир Абдулла Зуҳур. Ёзувчи томонидан берилган ана шу жўнгина баҳо ижоднинг нотекис сўқмоқларида кезишни ихтиёр айлаган ҳар бир ижодкорнинг зиммасида жуда масъулиятли юк турганлигини ўринли таъкидлайди.

Истеъдодли адиба Мунаввара Ойматованинг «Ҳалқ овози» газетасида чоп этилган «Шоир Эркин Шукурга очиқ хат» шаклидаги Тожикистон ўзбек адабиёти вакиллари битикларига билдирилган фикрлари – адабий тақризида кўнглимда тўпланиб қолган кўпгина ақидаларим ўз аксини топганди. Гарчи Мунаввара Ойматована шахсан танимасам-да, ижодкорнинг соҳир шеърларини мутолаа қилиш бахтига муяссар бўлганман.

Мунаввара Ойматова «очиқ хат» шаклида ёшлари асарлардан намуналарга тақриз ёза туриб, катта ваҳсоратга қўл урибди.

Ҳа, буни фақат жасорат, деб аташ мумкин. Мунаввара Ойматова Тожикистондаги ўзбек адабий муҳити учун куюнчак ижодкорлардан биридир ва бу мени ҳам – адабиётга бефарқ бўлмаган қишлоқ ўқитувчисини қувонтирди. Мунаввара Ойматова каби дилидагини тилига чиқара оладиганлар кўпайса, шубҳасиз, адабиётимиздаги нуқсонлар ўртадан кўтарилиб, келгуси авлодга мазмунли асарлар тақдим этилиши табиий.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истардим: ижод дардларнинг ичида энг ёқимлиси ва унинг давоси - Қалам тутиш, Сўз айтишдир. Кейинги пайтлар, дарҳақиқат, жуда кўп китоблар чоп этилаяпти. Кимлардир ўзининг ҳаётидан авлодларига хабар бериш учун суполавий китоблар ёзмоқда. Буни тушуниш мумкин. Ўз оиласи ва қариндошлари учун ҳаётий лавҳаларини битиш – яхши удум. Бунинг зиёни йўқ.

Аммо кенг ўқувчига мўлжалланган хом-хатала асарлар битиб, уни ўқувчилар орасида тарқатишда шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, бу асарлар мазмун-мундарижаси қай даражада бўлишидан қатъий назар, бадиий бисотимиз сифатида келгуси авлодлар қўлига тегади. Аянчлиси – шунда.

Нуктадон шоиримиз Абдулла Зуҳур таъкидлаганидек, ижод йўлини танларанлар, энг аввало, қалам тутиш масъулиятини ҳис этмоқлари лозим. Бир сўз билан айтганда, адабиёт – дарвозасиз шаҳар эмас. Бугун бизнинг бир-биримизни ранжитишдан ҳайиқиб, лом-мим демасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Адабий муҳитимизни бадиий жиҳатдан саёз, чала-чулпа асарлар эгаллаб олиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Масъулият ҳисси эса, ижодкорни пухта-пишиқ, сермазмун асарлар яратишга ундайди.

Адиба Мунаввара Ойматова бошларан эзгу ташаббус иқтидорли ижодкорларимиз томонидан давом эттирилса, нур сутига аъло нур бўлади...

Баҳриддин МИРЗАКОВ,
Ёвон ноҳияси, ўқитувчи.

ВАҚТ ШАМОЛИНИ КУТИШ

ёхуд адабиётга кириш ҳақида мулоҳазалар

МУҲОКАМАДА

АСАР КЎНГИЛЛАРГА ЁРУҒЛИК ОЛИБ КИРСА...

Суғдлик адабиётчи олима Мунаввара Ойматованинг Эркин Шукурга мактуб туркумидаги "Вақт шамолини кутиш ёхуд адабиётга кириш ҳақида мулоҳазалар" мақоласини мириқиб мутолаа қилдим. Бўлар экан-ку, ўзиям кейинги йилларда Тожикистон ўзбек адабий муҳитида таниқли жанри анқонинг уруғи бўлиб кетганди-ёв. Қайси газетани қараманг, нуқул мақташ, таърифу тавсиф...

Шояд олиманинг ушбу таниқидий мақоласи сабаб бўлиб, бундан сўнг газета-ю журналларимизда адабий таниқидчилик жанрига кенг йўл очилса.

Плагиат. Чинданам олима томонидан кўтарилган мавзу диққатга сазоворлиги билан ҳам қадрли. Шу тобда ўзим бевосита гувоҳи бўлган қатор ҳолатлар кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Қатор йиллар пойтахтга яқин ноҳиялардан бирида техник ходим бўлиб юрган бир танишимиз пенсияга чиққач, дабдурустдан шеър ёза бошлади. Кечикиб бошлагани учун ўзига мос тахаллус ҳам танлаб олди. Онда-сонда редакциялар эшигини тақиллатиб кириб келадиган, у-бу кўтариб келадиган бўлиб қолди. Болалар ҳа энди, шу чол хафа бўлмасин деб, у-бу нарсаларини эпақага келтириб, нашр ҳам қилишди. Ҳа энди, тирикчилик қурсин, бу орада кимдир унинг номидан тўртбурчак шеърлар ёзиб бериб, китобини ҳам чиқарибди. Шу тобда бир қизиқининг гапи эсимга тушади: касал бўлсанг, дўхтирга бор, унга пул бер. Чунки унинг ҳам бола-чақаси бор - боқиш керак. Дори-пори ёзса, аптекага бориб, сотиб ол. Чунки аптекачининг ҳам бола-чақаси бор - боқиш керак. Ундан олган дорилар гарчи зарар қилса ҳам, ичавер. Агар ўлсанг, кўмишади. Чунки гўрковнинг ҳам бола-чақаси бор - у ҳам бола-чақасини боқиши керак...

...Дастлаб ийманибгина кириб келадиган чоли тушмагур эндиликда редакцияга шахдам қадамлар билан кириб келадиган ва даъвоий шоирлик қиладиган ва ҳатто, кейинги пайтларда Нобел мукофотига даъвогарлик билан чиқа бошлади. Унинг "асар"лари Нобел мукофотига сазовормиш...

Шундай қилиб тўртбурчак усулдаги шеърлар тўплами 4-5тага етиб қолган ясама шоирларнинг келажаги наҳотки, ўқимаган ва қўлида бирор ҳунари бўлмаган хотин-қизларга, ўғилларига ташкил этади. Нега десанг, ҳеч бир замонда ўқиган ва қўлида ҳунари бўлган ёш ҳеч ким ўзини ёзиш ва ёзиб ёзиб бундай жирканч йўлга қадам босмаслиги аниқ. Мустақиллик шарофати ўлароқ қизларнинг кўпроқ ўқишлари ва олий маълумотли бўлиши учун яратиб берилаётган шароитларнда асосий мақсад ҳам шундандир, балким.

«Танганинг ҳам икки тарафи бор», деганларидек, бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, агар мана шу фоҳишалик йўлига кириб қолган аёлларга нисбатан маълум бир кишилар томонидан талаб бўлмаса, табиийки, улар бу ишларидан воз кечишлари аниқ. Жамиятимизда улар хизматидан фойдаланадиган кишилар борлигини ҳам биламиз. Лекин яна бу масалада ўзимизни оқлаш тортмоқда. Ўша кишига қилаётган иши нотўғри эканлигини айтиб, йўлидан қайтаришга чўчиймиз. Бу нарса ҳам ўзимиз ва ҳам атрофимиздагиларнинг айби.

Огоҳ кишиларга маълумки, охирги пайтларда ёш қизлар номусига таҳдиз қилиш ҳолати кўпайган. Хўш, энди ўйлаб кўрайлик, ўша номуси топталган қизнинг эртанги ҳаёти қандай кечади? Журналист Г.Аюпова мақоласида келтирилганидек: «16 ёшли қизга интернет сайтларидан бирига берган интервьосида отаси вафотидан кейин, онаси дугоналаридан бирининг эри, 61 ёшли эркак унинг номусига таҳдиз қилган, бундай фаолияти бошланиб кеттанлигини айтган». Мана сизга натижа ва бир оиланинг эртанги тақдири. Бундан ташқари пойтахт ва мамлакатимизнинг бошқа катта шаҳарларидаги кечки пайт тўпланиб турган фоҳишаларга тўдасини кўрган вақтда беparволарча ўтиб кетаверамиз. Қонбўғи, республикамиз қонунчилигида танфурушлик билан шуғулланган кишиларга махсус жазолар белгиланган.

Оилаларнинг бузилиб кетишини ҳам аёлларнинг танфурушлик қилишига бир сабаб, дея кўрсатилган мақолада. Оиласи бузилиб, ўзи оғир бир руҳий ҳолатни бошдан кечираётган аёлларга ҳам «тўғри йўл» кўрсатувчилар қўл бўлади. Мақолада ўқиганимиздек, дугонаси кўмаги билан бу йўлга кириб қолган аёлнинг кейинги ҳаёти қуйидагича кечмоқда: «Отам ва акаларим уйдан қувиб чиқаришди. Ижара уйда яшаяман. Ўғлим интернатда ўқийди. Ўзим эса, ҳар кеча пул ишлаш учун кўчага чиқаман».

Ҳақиқатдан ҳам, фоҳишалик бугунги жамиятимизнинг доғли нуқтаси ва эртаси бўлмаган қронгу бир йўл. Журналист мақоласида келтирилган бир фикр менга жуда ёқди. У бу йўлга кирган аёллар учун «ахлоқ дарс»ларини ташкил этиш эди. Гарчанд унда Хатлон вилоятида бундай дарслар ташкил этилганлиги ҳақида хабар берилди, дейилса-да буни ҳар бир жойда ташкил этиш жоиз. Токи «осон пул топгувчи» бундай аёллар қилаётган амаллари ҳақида бир ўйлаб кўриб, ҳаётини изга солиб олсинлар.

Б.Эргашев, Ёвон ноҳияси, 61-ўрта умумтаълим муассасаси ўқитувчиси:

ТУБИ ЙЎҚ ЖАРЛИККА БОРМА, ҚУЛАЙСАН

- Журналист Г.Аюпованинг кейинги пайтларда эзлон қилинаётган мақолаларини қузатар эканмиз, унинг ҳақиқатдан мавзуни тоза ёритиб ва ўқувчига ўзига хос услубда етказиб бериш киши эътиборини тортмоқда. Унинг энг сўнгги шундай мақолаларидан бири «Билиб босилган тикан жабри... ёхуд тубанликка юз тутган аёлнинг дил рози» эди. Унинг асосий мавзуси фоҳишалик йўлига кириб қолган аёлларга нисбатан маълум бир кишилар томонидан талаб бўлмаса, табиийки, улар бу ишларидан воз кечишлари аниқ. Жамиятимизда улар хизматидан фойдаланадиган кишилар борлигини ҳам биламиз. Лекин яна бу масалада ўзимизни оқлаш тортамиз. Ўша кишига қилаётган иши нотўғри эканлигини айтиб, йўлидан қайтаришга чўчиймиз. Бу нарса ҳам ўзимиз ва ҳам атрофимиздагиларнинг айби.

Огоҳ кишиларга маълумки, охирги пайтларда ёш қизлар номусига таҳдиз қилиш ҳолати кўпайган. Хўш, энди ўйлаб кўрайлик, ўша номуси топталган қизнинг эртанги ҳаёти қандай кечади? Журналист Г.Аюпова мақоласида келтирилганидек: «16 ёшли қизга интернет сайтларидан бирига берган интервьосида отаси вафотидан кейин, онаси дугоналаридан бирининг эри, 61 ёшли эркак унинг номусига таҳдиз қилган, бундай фаолияти бошланиб кеттанлигини айтган». Мана сизга натижа ва бир оиланинг эртанги тақдири. Бундан ташқари пойтахт ва мамлакатимизнинг бошқа катта шаҳарларидаги кечки пайт тўпланиб турган фоҳишаларга тўдасини кўрган вақтда беparволарча ўтиб кетаверамиз. Қонбўғи, республикамиз қонунчилигида танфурушлик билан шуғулланган кишиларга махсус жазолар белгиланган.

Оилаларнинг бузилиб кетишини ҳам аёлларнинг танфурушлик қилишига бир сабаб, дея кўрсатилган мақолада. Оиласи бузилиб, ўзи оғир бир руҳий ҳолатни бошдан кечираётган аёлларга ҳам «тўғри йўл» кўрсатувчилар қўл бўлади. Мақолада ўқиганимиздек, дугонаси кўмаги билан бу йўлга кириб қолган аёлнинг кейинги ҳаёти қуйидагича кечмоқда: «Отам ва акаларим уйдан қувиб чиқаришди. Ижара уйда яшаяман. Ўғлим интернатда ўқийди. Ўзим эса, ҳар кеча пул ишлаш учун кўчага чиқаман».

Ҳақиқатдан ҳам, фоҳишалик бугунги жамиятимизнинг доғли нуқтаси ва эртаси бўлмаган қронгу бир йўл. Журналист мақоласида келтирилган бир фикр менга жуда ёқди. У бу йўлга кирган аёллар учун «ахлоқ дарс»ларини ташкил этиш эди. Гарчанд унда Хатлон вилоятида бундай дарслар ташкил этилганлиги ҳақида хабар берилди, дейилса-да буни ҳар бир жойда ташкил этиш жоиз. Токи «осон пул топгувчи» бундай аёллар қилаётган амаллари ҳақида бир ўйлаб кўриб, ҳаётини изга солиб олсинлар.

Ҳаётулло САИДОВ,
"Ҳалқ овози".

Мақола мулоҳазага чорлайди

ШАХСИЯТГА ТЕГИНМАСЛИК ЗАРУР

Дарҳақиқат, вақт шамоли кўп нарсага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Жумладан, адабий муҳитда ҳам замон талаби, давр ўзгаришлари катта бурилишларга туртки бўла олади ва бу тарихда ўз исботини топган.

Мунаввара Ойматова қаламига мансуб «Вақт шамолини кутиб» мақоласини синчиклаб ўқиб чиқдим. Долзарб масала қаламга олинган ва бунга тан олиш керак. Адиба таъкидлагаларидек, кейинги йилларда ижодга панжа орасидан қарайдиганлар, сохта шуҳратга берилиб, ўзларини ёзувчи, шоир, деб талқин қилувчилар пайдо бўлаётганлиги сир эмас. Шуни тан олиш лозимки, сохта шуҳрат, тўқима шеърлар ҳеч қачон пухта асарлар қаторидан ўрин ололмайди. Пуфлаб шишириладиган машҳурлик бир куни миси чиқиши турган гап. Қолаверса, нуқтадон ўқувчини хом-хатала, мазмунсиз битиклар билан чалғитиш осон эмас. Бир сўз билан айтганда, адабиётнинг ҳақиқий муҳлиси тезда «саракни – саракка, пучакни – пучакка» чиқаради.

Тўғриси, бир муддат адабиётимизда «адабий танқид» рукни кўзга ташланмай қолди. Шундан фойдаланган сохта ижодкорлар, сунъий шоирлар ўз асарларини чоп этиш, уни кенг омма орасида тарқатишга «бел боғлашди». Аммо юқорида таъкидлаганимдек, бу узоққа чўзилмайди. «Бузоқнинг югурганги сомонхонагача», - деган ҳикмат бор халқимизда.

Тожикистон ўзбек адабий муҳитида жуда иқтидорли мунақкидлар бор. Мунаввара Ойматованинг мақоласи уларга илҳом багишлаши турган ғап. Фақат мунақкидлик қиламан, деб шахсиятга тегинмаслик керак, ўзаро ғараз лар ва майдонда ўрин берилмаслик лозим. Шундагина, тақризлар бегараз, адолат юзасидан ва самимий ёзилади. Матбуотимизнинг «ўзаро жанг майдонига айланиш»дан ҳазар қилмоқ керак.

Барибир, адабиёт эзгулиққа хизмат қилиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Ана шу эзгулик байроғини юксак кўтариб, адабий муҳитимизни янада сермазмун асарлар билан бойитишга хизмат қилаётган Мунаввара Ойматова каби адабиёт жонкуярларини қўллаб-қувватлаш ҳар бир ижодкорнинг бурчига айланиши лозим...

Жўра ХОТАМОВ, Рўдакий ноҳияси, ўқитувчи.

Акс сало

Газетамизнинг 2017 йил 23 февралдаги 8-сонида эълон қилинган журналист Г. Аюпова қаламига мансуб «Билиб босилган тикан жабри... ёхуд тубанликка юз тутган аёлнинг дил рози» сарлавҳали мақоласи юзасидан муттарийларимиздан жуда кўплаб мактублар олдик. Қуйида эса, уларнинг айримларини сиз, азиз муттарийлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Баҳриддин Алиқулов,
Панжакент ноҳияси,
нафақадаги ўқитувчи:

- Жамиятда пайдо бўлаётган ҳар бир номақбул амал, маданиятимизга ёт бўлган одатлар олдини олиш ҳар бир кишининг вазифаси бўлмоғи лозим. Бу борада эса, оммавий ахборот воситалари вакиллари-журналистларнинг мажбурияти бир мунча кўпроқ эканлиги яқqол кўзга ташланади, менимча.

Мақолани катта бир қизиқиш билан мутолаа қилар эканман, қаҳрамонларнинг ўз «касб»ларини оқлаш учун келтираётган рўкачларининг асоссиз эканлигини айтиб ўтишни жоиз, деб билдим. Негаки, халқимизда азалдан «рўзғор гор», деган нақл бор. Унинг кам-кўстини тўлдириш, етмаганни етказиш, борига шукр, йўғига сабр қилиб яшаш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайди. Лекин бунинг учун инсон, айниқса, аёл киши ўз иффати, ор-номусини оёқости қилиши шарт эмас, менимча. Бизнинг Шарқ аёллари азал-азалдан ўзларининг сабр-тоқатли, чидамли, меҳнатсевар ва иффатли бўлгани билан ажралиб туради. Жамиятимизга фоҳишалик деган иллатнинг кириб келишини эса, бугунги кундаги глобаллашув жараёни таъсири оқибати, деб айтиш мумкин. Чунки тарихга назар соладиган бўлсак, бизнинг хотин-қизлар ўзларининг ор-номуси, иффати, ибо-ҳаёсини биринчи ўринга қўйган. Шунинг учун ҳам улар ҳар доим эъзоза, ҳурматга лойиқ бўлганликларини айтишади. Бу эса, албатта, уларнинг жавобдан қочиш учун айтган гапларидир. Шу ўринда, уларга нисбатан Улуғ Ватан уруши йилларидаги аёллар жасоратини мисол келтиришнинг ўзи кифоя, деб биламан. Чунки улар ўша оғир йилларда ўз номуси, оила шаъни ва фарзанд тарбиясини биринчи ўринга қўйганлар. Ҳозирги пайтдаги рўзғор етишмовчиликларини рўкач қилиб, қайта тақрорлагинг келади, киши.

Шундай бир кишини биламанки, ўзи ногирон бўлишига қарамай, қўлида ҳунари бор. Гарчи оёқлари ишламаса-да, уйда ўтирган ҳолида турли нарсалар тўқиб, сотади. Ўша топган ноғилина пули эвазига ҳалол ва беминнат нон еб, турмуш кечиримоқда. Кўл-оёғи бут, танаси соғ, ақлу ҳуши жойида бўлган танфурушлар эса, мualлиф айтганидек, «Кам маош учун эса, «тер ди? Шубҳасиз, туби йўқ жарликка. Охир-оқибат эса, қилган амалларидан пушаймон бўлиб, эл аро шарманда-ю шармисор бўлишади.

Туби йўқ жарликка борма, қулайсан.

Ҳаётулло ЭШМУРОДОВ,
Дўстий ноҳияси.

Сўраган эдингиз...

Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАМНИ ОЛИБ ҚЎЙСАЛАР...

САВОЛ:

- Ассалому алайкум. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигим учун ҳайдовчилик гувоҳномамни ДАН - Давлат автомобил назорати ходими олиб қўйиб, ўрнига муваққат гувоҳнома берса, бу гувоҳноманинг қанчагача эътибори бор? Ва гувоҳномамни бошқа ноҳияда олиб, ўз вақтида мен яшаётган ноҳияга юбормасалар, бу ҳолда нима қилмоғим лозим?

Ҳурмат билан Эшмат Тошматов, Рўдакий ноҳияси.

ЖАВОБ:

- Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчига нисбатан протокол тартиб берилиб, ундан гувоҳномаси олиб қўйилса ва унга вақтинчалик гувоҳномага қўшиб қоида бузганлик талони берилса, бу ҳужжат 30 кечакундузлик эътиборга эга бўлади.

Ва ҳайдовчининг гувоҳномаси бошқа ноҳияда олиниб, ўз вақтида у яшаётган ноҳияга юборилмаса, у ҳолда ўша ердаги ДАН - Давлат автомобил назорати масъуллари томонидан муваққат гувоҳнома ва қоида бузганлик талони муддати яна бир ойга узайтириб берилади.

Тожикистон Ички ишлар вазирлиги савол-жавоблар онлайн саҳифаси.

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

ЭЪТИБОР НАДОРАНД

Номаи камоли гумшудаи Т-АТУ № 0092251, ки онро МТМУ № 35-и н. Хуросон соли 2014 ба Сайдалов Муҳаммадҷон Хужамқулович додааст, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Қосимов Исомиддин Қаландарович, ки бо РЯМ 5330036205 фаъолият мекард ва дар ноҳияи андоз и. Девастич 19.01.2015с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Атестати гумшудаи №230820, ки онро МТМУ №20-и ҷамоати Норини, н. Ёвон ба Раҳмонбердиев Қудратулло Эшаевич соли 1989 додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

БАРҲАМ МЕХЎРАНД

Соҳибкори инфиродӣ Сафаров Мамарачаб Имомиддинович, ки бо РЯМ 4030073291 ва шаҳодатномаи №0136040 фаъолият мекард ва дар ноҳияи андоз и. Ёвон 20.05.2014с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

ҶДММ "Алтинмазор", ки бо РЯМ 1010000237 фаъолият мекард ва дар ноҳияи андоз и.Лахш 25.12.2009с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Хоҷагии деҳқонии "Хусния", ки бо РЯМ 1030019476 фаъолият мекард ва дар ноҳияи андоз и.Лахш 31.12.2009с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шуғл ба рақами телефони мазкур мурочиат намуданатон лозим аст.
Тел: 2-38-55-70

«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тоҷик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим.
Тел: 2-38-55-70

Аштлик маърифат фидойиси, таниқли ўқитувчи ЗУБАЙДА ЎСАРОВАнинг
бевақт оламдан ўтганлиги туфайли фарзандлари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдирамиз. Бу мусибатли кунларда уларга Аллоҳдан сабру бардош тилаймиз. Яратган мархумани охиратини обод айласин.
Бир гуруҳ курсдош дўстлари.

Шингил ҳикоя

ИШНИНГ КЎЗИ

Эски шаҳар четидаги маҳаллада Эрғаш ота исмли мўйсафид яшар эди. Ёши тўқсонни қоралаб қолган бўлса ҳам бозор-ўчарга ўзи қатнар, қувватига яраша харид қилар, ҳар куни касалманд аёли учун шиша кўзачада сут сотиб олар эди. Бир куни бозордан қилган харидларини кўтариб ҳовлига киираркан, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳайратдан кўзаси қўлидан тушиб, чил-чил синди. Сути остонада оппоқ кўлмак ҳосил қилди.

-Бу нима гап, нима қиляпсизлар? –деди у чиннидай ҳовлисининг ўртасини ковлаётган мардикорларнинг олдига бориб.

-Ҳовуз қуряпмиз, - деди уларнинг бири, - ўғлингиз буюрди.

-Ишни тўхтатинглар, - деб чол уларни меҳмонхонага таклиф қилди ва бир чойнак чойдан кейин пулларини санаб бериб, мардикорларга жавоб берди.

Мардикорлардан хабар олгани келган ўғли Шокир ҳам дарвоза олдида ҳайрон қолди. Остонада сут қўллаб ётибди, теварак-атроф тупроққа тўлган, ҳовуз чала қазиб-ю, мардикорлар кўринмайди. Не ҳодиса юз берди? Хавотирланган Шокир дада, деганича ичкарига югурди. Дадаси онаси билан юзма-юз ҳолда асабий тўпиришган эди.

-Дада, нима бўлди? Мардикорлар қани?

-Ҳақини тўлаб, жавоб бердим.

-Нега?

-Ишнинг кўзини билмаганинг учун.

-Биронта ишим ёқмайди сизга. Ишнинг кўзи қанақа бўлади, уни бирон кимса кўргани ўзи?!

Ота ўғлига ҳеч нарса демади, аммо ишнинг кўзини амалда кўрсатмоқчи бўлди. Эрталаб мардикор бозоридан ғишт қуйишга нархлашиб, икки йигитни бошлаб келди. Йўл-йўлакай бир кўза сут олишни ҳам унутмади.

-Ғиштни мана шу тупроқдан қуясизлар, - деди чол ғиштчиларга ҳовлида сочилиб ётган тупроқни кўрсатиб. –Булар тугагач, тупроқни шу чуқурликдан ковлаб оласиз. Болаларим, чуқурнинг бўйи уч метр, эни икки метрдан, текис ва соз бўлсин. Қуйилган ғиштларни кўчадаги йўлакчага терасизлар.

Ғишт қуювчи мардикорлар уч кунда чуқурликни ковлаб, Эртасига ота одатдагидай кўза кўтариб, сут бозорига кетганда Шокир келди.

Топ-тоза ҳовли, тоза ҳовузга қараб ўйланиб қолди. «Қизиқ, шунча иш текинга тушди... яна беш юз сомоний соф фойда...»

Сут кўтариб бозордан қайтган ота ўғлини ҳовлидаги янги қазилган ҳовузча олдида учратиб, кўзасини ерга қўйди-да, ўғлининг олдига келди.

-Ҳовуз қалай бўпти?

-Айтганимдан ҳам зўр бўпти, дада. Қизини шундаки, шунча ишни текинга туширдингиз. Пулимиз фойдаси билан ёнимизда қолди.

-Билганинг шу холосми?

-Бошқа томонларини ҳам сезиб турибман. Бир ўқ билан иккки қўённи урдингиз. Ҳовуздан чиққан тупроқ ғишт қўшимча беш юз сомоний соф фойда ҳам келтирди.

Отахон хулоса чиқаргандай, ўғлига деди:

-Ҳали ҳам нодон экансан, энг асосий мулкни кўрмаяпсан. Мен сенга ишнинг кўзини кўрсатдим. Сен кўр-кўрона иш қилаётган эдинг. Бир ишни уч иш қилардинг. Мардикорларинг ҳовлини тупроқ билан тўлдирарди. Кейин ҳақ бериб таштардинг. Сўнгра машина кира қилиб тупроқни кўчадан олиб кетардинг. Ҳаммаси оворагарчилик. Ҳаммаси бир қучоқ пулга тушарди. Яхшироқ қара, буни ишнинг кўзи дейдилар.

Хайит БОЙ.

√ Ўтган кунлар ёди

СОТИЛМАГАН СИГИР

Ўтган асрнинг тўқсон тўртинчи йиллари эди. Биродаркушлик уруши олови эндигина сўнган бўлса-да, сиёсий бўҳроннинг залворли тўқмоғи зарби теккан халқ иқтисодий жиҳатдан ғоят қийналарди. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини деярли барча хонадон ҳис этар, кўпчиликнинг куни маккажўхори унидан тайёрланган зоғора нонга қолганди. Жамоатимиз ҳудудида қишлоқ бозори ташкил этилиб, якшанба кунлари серодам бўларди. Бозорга одамлар ортиқча маҳсулотлари, чорва моллларини сотишга чиқарар ва пулига бошқа зарур ашёлар харид қилиш илинжида келишарди. Бозорнинг бир четида атрофи сим билан ўралган майдончада чорва-моллар тиқилиб кетарди.

Кунларнинг бирида жамоатимиз ҳудудида яшовчи Асрор ака бисотидаги охирги моли, ҳовлисининг кўрки бўлган сигирини сотишга чиқарганди. Харидорлар сигирни қўршаб олиб, савдо қилишарди. Кутилмаганда ғайриоддий ҳол воқеа рўй берди. Уст-боши юпун, ўн ёшлардаги болакай йиғлаганича мол бозорига кириб келди. Асрор аканинг оёғини қучиб ҳўнграб йиғлади, сўнгра сигирнинг ипини олдида, етаклаб ташқарига чиқарди. Болакай йиғламсираб ғудранар, нималардир дерди. Сигир жонивор бола изидан бошини паст қилганча, ҳадал одимлаб борарди.

Асрор ака бозор ўртасида қотиб қолганди. Унинг кўзларида қалққан ёш яққол кўринарди. Рўзғори қийин аҳволга тушгани боис, сигирни сотишга қарор қилибди. Сигирга ўрганиб қолган, доимо етаклаб боқиб юрадиган ўғлининг молни сотишга рози бўлишига кўзи етмай, яшириниб эрта тонгда бозорга чиққан экан. Ўйқудан турган ўғли сигирнинг бозорга чиқарилганлигидан дарак топиб, икки километрлик йўлдан югуриб бозорга борган экан.

-Асрорбой, хафа бўлма, - молбозордаги оқсоқоллардан бири далда берди унга. –Ўғлинг рози бўлмаса, сотмай қўяқол. Худо хоҳласа, бошқа бирор иложи топилиб қолар.

Ўша пайтдаги воқеани кўриб, Асрор ака ва унга ўхшаш одамларга чин дилдан ачингандим. Кўпчилик қатори Яратгандан файзу баракани зиёда қилишини илтижо қилгандим.

Орадан йиллар ўтди. Ўша қаттиқ кунлар ҳам ортда қолди. Асрор ака қанчалик қийналмасин, ўғлининг кўнглига қараб сигирни сотмаган экан. Худога шукр, дориломон, тўкин-сочин кунларга етказди. Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийларининг оқилона сиёсати ва жон қуйдириб қилган хизматлари эвазига юртда тинчлик барқарор топиб, файзу баракали кунларга етдик.

Илгарироқ бир тўйда Асрор акани кўргандим. Ўғлининг машинасида келди. Ўғли бўйчан, бақувват йигит бўлибди. Йигитнинг кўзларига боқиб, сигирни бозордан қайтариб кетган ўша йиғлоқи бола эканлигини танидим. Юрагимда ёркин ҳиссиёт пайдо бўлди. Огир кунларни ортда қолдириб, яхши кунларга етказган Оллоҳга шукроналар айтдим.

Хайрулло МИРЗОНАЗАР, Жайхун ноҳияси.

КЕЛИНГ, МИЙИҚДА КУЛИШАЙЛИК

- Ҳурматли радио тингловчи дўстлар! Репортажимизни оилавий гуруҳлар таклиф ўтаётган маданият қасридан олиб бораяпмиз. Мана, бино яқинига ноҳиянинг турли бурчакларидан енгил машинада Мана, биз ҳам қараб турмаяпмиз. Акахонга машинадан тушишларига қўмаклашаяпмиз. Энди анъанавий савол:

- Гуруҳ ҳақида гапирсангиз.

- Ҳм. «Яллламаёрим». Оилавий гуруҳ. Анави қитир-қитир

Репортаж

Ҳажвия

лар кетма-кет келиб тўхтамоқда. Ана лента ва гуллар билан безатилган, эскигина «Танген» ҳам ёнгинамизга келиб тўхтади. Машина эшигини очишга уринаётган, аммо очолмаётган хумдай бошга шляпа илдирган, лўппи юзлари қип-қизил, шопмўйлов акахонга яқинлашмоқдамиз. Афтидан, худди шу киши гуруҳ раҳбари. Барча ҳамкасбларни догда қолдириб, савол беришни бошладик:

- Ўзингизни таништирсангиз.

- Вой-воей, вой қорним-ей.

- Кечирасиз, нима дедингиз?

- Қорним қисилиб қолди. Тўхтанг, тушиб олай.

- Ҳурматли радиоэшитувчилар, ана ўзингиз кўрдингиз, Акахонга машинадан тушиб, ўзини ушлаётган, ўзини ушлаётган, ўзини ушлаётган